

Илѐс Фозилов ҒУРБАТДА ҒАРИБ

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиѐт ва санъат нашриѐти
1984

57.3
Ф 79

Такризи — А. МАТЕҶУБОВ

Фозилов, Ильёс.

Гурбатда ғариб: (Хикоялар). — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1984. 40 б.

Ушбу хотиранома муаллифи медицина фанлари кандидати Илёс Фозилов 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушида ҳам, кейинчалик 15 йил мобайнида чет элларда ҳам врачлик вазифасини бажарди. 1960 йилдан 1975 йилгача Тошкент Давлат Медицина институтининг доценти бўлиб ишлади.

Илёс Фозилов сўнги йилларда Саудия Арабистонига нikki марта сафар қилди. Ана шу сафарлари давомида ўз кўзи билан кўрган воқеаларни каламга олди.

Фазылов, Ильяс. На чужбине.

**ББК 57.3
618Д**

4803010200—130

Ф ————— 151—83
М 352 (04)—84

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984 й.

ВАТАН ИШҚИ

Гурбатда ғариб шодимон бўлмас эмиш,
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин кафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Алишер Навоий

Маълумки, ҳар бир китобнинг ўз тарихи, юзага келиш сабаблари, ўртага қўйган мақсади бўлади. Қўлимиздаги мўъжаз китобнинг ҳам ўзига хос томонлари бор, албатта.

Бу китобдаги воқеий ҳикоялар улуг Октябрь инқилоби арафасидаги ва кейинги ўзгаришларга уйғунлаша олмай, бегона юртларга кетиб қолган ватандошларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Инсон ўз ватани билан барҳаёт, ватанидан жудо бўлган киши ёлғиз ватанидан эмас, барча роҳатидан, яшаш завқидан ҳам ажралиб қолади.

Инсон — ақлу идрок соҳиби, гўзал табиатнинг гултожи. У ҳамма нарсадан азизу муқаррам. У Ватанидан айрилгач, раҳму шафқатга муҳтож бўлиб, қалбларни ларзага келтирувчи аҳволга тушиб қолар экан, бундай манзарани муҳожирликда юрган киши тўлиқроқ пайқайди, ибратланади.

Лубнон, Суриядаги кочоклар лагерида ибтидоий эҳтиёжлардан маҳрум фаластин муҳожирларини, Эрон, Покистонда дарбадар юрган афғон кочокларини кўз олдимизга келтиришимиз биланоқ киши ўз она диёридан айрилиб, кайфиноғлигини йўқотиб, хор-зор яшагунча яшагани маъқул, дегимиз келади.

Туркменистон, Эрон чегараларидан қоча туриб, қум барханларида йўл йўқотиб, ташналикдан бир қултум сувга зор бўлиб, ҳаётдан кўзларини юмган, қароқчиларга учраб тўс-тўполонда яқинларидан айрилиб қолган, Амударёдан ўта туриб сувда оқиб кетган, Зоҳиршоҳ даврида Афғонистон қамоқхоналарида сўроқсиз, гуноҳсиз, ҳукмсиз ётиб, вужудини чиритган, ниҳоят араб чўлларида йўқолиб кетган ўн мингларга, юз мингларча ватандошларимизни билмадим, тарих билармикин?

Чунки ўзбеклар ҳам гўзал табиатли, нозик дидли бўлади, улар ҳам ўз она юртини бошқа миллатларга ўхшаб севади. Қариндош-уруғини соғинади. Қадрдон дўстларини қўмсайди. 1950 йиллар эди. Карочида асли қўқонлик Абдуғофур қори ака билан танишиб, дўстлашиб қолдим. Бошланғич маълумотини Қўқон мадрасаларининг бирида тамомлаган, кейин «қайси бир атворлари» учун ватанини тарк этиб бегона юртларга кетиб қолган қори ака мутолаадан баҳраманд, аҳли фаҳм киши эди. Пичоқ чархлаб кун кечирар эди. Асирий таҳаллуси билан шеър битар эди. Ҳали оқка қўчирилмаган, машқ ҳолида қолган қуйидаги назмига қулоқ солинг:

Кошки бўлсам эди ширин, гўзал Фарғонада,
Йиғлабон умрим ўтар бу қулбаи гилхонада.
Орзу бул эрди ким, ичсам ажалнинг шарбатин,
Дилда армон йўқ эди, Хўқанд деган майхонада.
Ул Ватан обу ҳавоси руҳима эрди ғизо,
Гул каби яшнаб юрардим кўшк ила айвонида.
Ғунчалар очилмайин, урди баҳоримни ҳазон,
Булбулигўё эдим, гул ғунча ҳам бўстонида.
Қайси бир атворларим бўлди, бу қулфат бонси,
Мен асир қолдим бугун бу шаҳри бедарвозада.
Соҳиби йўқ, ит каби кездим-ку дунё мулкини,
Топмадим бир эл олувчи бу сафар давронида.

Оҳким, сад оҳким, бойқушлар ўлди улфатим,
Манзили маъволарим бўлди бугун вайронада.
Ўтди умрим водариғ, етса казо бўлғум фано,
Ох, Асирий, йўқ нишон сендин бу хасратхонада.

Бу ўринда шеърдаги фироқ алангаси-ю, хасрат овозига эътибор беринг-а.
Ёки яна бир мисол. АҚШ да истиқомат қилаётган Эргаш Учқун деган киши ҳам қуйидаги шеърда Ватан иштиёқини бундай қуйлайди:

Кел, ватан, сен каъба бўлғил, мен инонғонинг бўлай,
Қиблайиз, деб чин юракдан сажда қилғонинг бўлай,
Айланиб, тегрангда доим аҳли имонинг бўлай,
Бер ижозат, сидк ила хокруби остонинг бўлай,
Хар замон садқанг бўлиб, бир лахза қурбонинг бўлай.

Хулоса қилиб айтганда, муҳожирликнинг сиёсий-ижтимоий сабаблари ҳар хил бўлса-да, ватан изтироби бир хил... Айрилик нидолари суяк-суякдан ўтиб туради.

Асар муаллифи муҳтарам Илёс Фозилов бир неча бор чет элларга қилган саёҳатларида, ватанидан узоқ тушиб қолган инсон кайфиятини мушоҳада қилади, айниқса, бир-икки бор Макка-Мадина каби ўзбеклар истиқомат қилаётган шаҳарларда бўлиб, у жойлардаги ватан-дошлар билан кўришиб, уларнинг дардларини эшитади.

Она юртинг омон бўлса,
Рангу рўйинг сомон бўлмас.—

деган оталар сўзи нақадар тўғри эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Муаллиф мазкур китобда ибратли воқеаларни қаламга олиб, хайрли иш қилди.

Демоқчиманки, Илёс Фозилов она диёр — Ўзбекистоннинг маданият, иқтисодиёт соҳаларида ўз оёғида мустақкам турганлигини шундай хабарларга зор фарзандларига билдириш билан ўз навбатида уларнинг она-Ватан дийдорига муштоклик хабарини она диёрга етказиб турди, ушбу йўл хотираларининг қиймати ҳам шунда.

Ушбу китоб муаллифи:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча билки, каъба вайрон бўлса обод айлағай,—

деган улуғ Алишер Навоий сўзларига амал қилиб, она юртдан, қариндош-уруғ меҳридан узоқда бағри эзилган кишиларнинг кўнглини оз бўлса-да обод қилди.

ЖУРА ҚОРИ БУТАҚЎЗ

ГУРБАТДА ҒАРИБ...

1. Икки тақдир

Маккага етиб келганимизнинг учинчи куни эди шекилли, ҳамсафар ватандошимиз Қамбарали кулимсираб сўради:

— Бир ерга олиб борсам, нима дейсиз, доктор?

Бир нима деёлмай, елкамни қисдим.

— Хўп денг, ёмон жойга олиб бормайман, доктор! Эсингиздами, Абдунаби деган поччам бор шу ёқда, деган эдим. Ҳа, кам бўлманг. Ўша кишиникига борамиз.

Эсимда, ҳамсафарларимиз енгил-елпи юк билан чиқишганида, Қамбарали чамадонларини кўтаролмай қора терга ботганини кўриб кулишган эдик. Шунда ғаш келиб, гижиниб: «Э, менга қолса, шу атласларнинг биттасини ҳам олмас эдим!» деган эди. Кейин бу атласларни нимага олганини, кимга олганини батафсил гапириб берган эди.

— Ўттизинчи йилларда поччам Абдунаби Наманганда етти боласини ташлаб, бир кечада йўқ бўлди-қолди. Дараги бир неча йилдан кейин чиқди. Қаранг, одамни шайтон йўлдан уради, дейишарди. Йўқ, одамни одам ҳам йўлдан урар экан. Поччамни ёмон одамлар алдашибди, кейин билдик.

Қамбаралининг гапига шерикларимиздан Жўрабой аканинг жаҳли чиқди.

— Тавба! — деди у хуноб бўлиб. — Еттита боланинг отаси бўлсаю, биров юр, деса кетаверса!

Қамбаралининг дарди ичида экан, тутоқиб кетди:

— Э, кам бўлманг, Жўрабой ака! Менга ҳам шуниси алам қилади-да! Еттита норасида гўдакни ташлаб кетган номард ўша пайтда қўлимга тушса борми, нима қилишимни ўзим билардим! Хайриятки, замонамиз мана бундоқ — тасаддуқ кетсанг арзийди. Жиянларим ўқиб, одам бўлишди, мартаба, обрў топишди. Мана бу чамадондаги матолар жиянларимнинг бевафо отага совға-саломлари. «Э, йўқот бу дардисарингни, мен унақа номардга совға олиб борадиган анойи эмасман!» деб унамовдим, жиянларим кўйишмади: «Биз бормизми-йўқмизми, очмизми-тўқмизми, билиб қўйсин отамиз», дейишди. Иннайкейин, у ерда укаларимиз, сингилларимиз бормиш, уларда нима айб?» дейишди. Мундоқ ўйлаб қарасам, нафсиламбрига болаларда айб йўқ. Мана, жиянларимнинг совғаларини олиб кетяпман...

Қамбаралининг гапини эшитиб ўшанда мен ҳам каттик хафа бўлган эдим. Тавба, етти боланинг баҳридан ўттирдан илинж қанақа илинж экан? Ахир, бола ота-она умрининг давоми-ку! Боладан кечиш — умрни кесиш эканини наҳотки тушунмаса! Боладан ҳам ширинроқ нарса борми дунёда? Жаннат қидириб кетганмиш... Болаларсиз қирладиган жаннат ордона қолса бўлмасмикан? Ватан-чи? Шундай азиз, шундай табарруқ она юртни — элинг яйраб-яшнаётган, болаларинг униб-ўсаётган, ота-бобонг, авлод-аждодинг кўз қорачиғдай сақлаб келаётган Ватанни ташлаб кетиш мумкинми?...

Мени шу ўйлар изтиробга солди.

— Э, садқайи одам кетсин! — дедим қўл силтаб.

Қамбаралининг дами ичига тушиб кетди. Бир нима дейиш оғирлиги

кўзларидан кўриниб турарди. Унг қўлининг бош бармоғини тишлаб анчагача жим турди. Кейин илтижо аралаш бир товуш билан ғамгин деди:

— Ҳар нима бўлганда ҳам борсак, кўрсак, кейин шунга қараб тўн бичармидик...

Етти бола ноласи қалбимни ҳамон чангалидан бўшатмаган эди. Бормайман, деб туриб олдим. Қамбарали энди ялинишга тушди:

— Жиянларим жуда қаттиқ илтимос қилишувди-да, кўриб келинг, деб. Лекин, невлай, шу ерга келиб кўрмай кетсам, жиянларимга бориб нима дер эканман? Йўқ деманг, доктор, бирга бориб келайлик. Ўзим ёлғиз бора-верай десам кўнглим бўлмапти.

Инсоф билан ўйлаб қаралганда, Қамбаралининг опаси — жигаргўшаси — етти бола билан азоб ўтида ёнганда, Қамбарали ҳам шу ўтда ёнмаганим дейсиз? Ёнган. Шубҳасиз, ёнган. Яна унинг ўтига ўт қалаш керакми? Майли, борсам борай, кўрай-чи, ўша одам топган «жаннат» нимадан иборат экан.

Қамбарали икковимиз совға-саломларни кўтариб, тўғри Муҳаммадхон махдумнинг дўконига келдик. Кеча Қамбарали билан кўришганларида, «Поччангизникига ўзим бошлаб бораман», деб ваъда қилган экан. Учаламиз йўлга чиқдик.

Чошгоҳ пайти. Ҳаво шу қадар иссиқки, осмон олов пурқаяптими дейсиз. Кўчалар яп-яланғоч — тангадек соя ташлаган дарахт йўқ. Осмон оловига чидаш беролмай, девор биқинларида, хилват-паналарда бағирларини ерга бериб жон саклаётган эчкилар, уй паррандалари кўзга ташланади. Бир-бирига уланиб кетган гузарларда, ола-чалпоқ сояда ўйнаб юрган болалар кўринади. Бу ерда нима кўп, қаҳвахона кўп экан. Бекорчилар ўтириб олиб, резинка найчаси икки метр келадиган қалён тутатишади, кўчаларда кок ерга ўтириб овқат ейишади.

Бизни Абдунаби хожиникига бошлаб бораётган Муҳаммадхон махдум ҳам бир замон биз томонлардан келиб қолган мусофир экан. Ёши саксондан ошиб кетганига қарамай, ҳали тузук, анча тетик. Ўзи новча, арабча оқ ридо ичида яна ҳам бўйдор кўринади. Оппоқ соқоли кўкраги билан битта. У киши йўл-йўлакай ҳожи тўғрисида сўзлаб берди.

— Абдунаби хожининг ҳам ёшлари етмиш бешларга бориб қолди. Ҳали, худога шукур, бардам, лекин кўп йиғлаганиданми, ё бирон дардга чалинганми, кўзлари ожиз бўлиб қолди. Шайтон васвасасига учиб, келишга келиб қолгану алами ичида. Қайтиб кетай деса, бир қур еттита боласини ташлаб, юзи кора бўлган. «Яна бу ерда орттирган болаларимни ташлаб кетсам, одамлар тошбўрон қилишмаганда ҳам, худо қаҳрига олади», дейди. Оғзидан юрт-эли, болалари, ёру дўстлари тушмайди. Ёшларга ақл ўргатади. Ўзбекистонимизни мактайди. «Йложи бўлса кетинглар, ота-оналаринг юртига», дейди. Хуллас, ватангадонинг бошида нимаики кўргулик бўлса, ҳаммаси шу кишининг бошида...

Ғап билан бўлиб анча йўл юриб қўйибмиз. Муҳаммадхон махдум ҳаллослаб қолди.

— Нима бало, бош айланиб адашдикми, а! — деди у бир-бирига ўхшаш тор кўчалардан яна бирига кирганимизда. Кўчалар шу қадар торки, икки арава у ёқда турсин, икки отлик тўкнаш келиб қолса, ёнламалаб зўрға ўтади.

Қўлимиздаги юкларнинг оғирлиги, чошгоҳ ҳавосининг шафқатсизлиги бизни ҳам олиб бориб, олиб келди. Томоқларимиз қуриди. Оёқ кўйгани ҳолимиз қолмади. Бундан зиёд чарчашни тасаввур қилиш қийин. Муҳаммадхон махдум ҳолимизни кўриб, қидирган уйни тополмаганидан ҳижолат. Ҳар кўчанинг бошида тўхтаб, у ёқ-бу ёққа қарайди, ўхшатмайди, кекса бошини тебратади.



— Қарилик курсин, хожиникига кўп келганмизу, йўл эсан чикибди-да, дейди.

Қамбарали ўртадаги хижолатпазликни кўтаргиси келдими, фарғонача одат билан қаҳ-қаҳ уриб куладю:

— Э, тақсир, бу ерларда кидирган кўчангизни топиш учун битта нор туяга юк бўладиган эси бор одам ҳам эсини йўқотиб қўядиган кўринади! — дейди.

Махдум кикирлаб кулади, чарчоғимиз тарқалгандек бўлади. Яна йўлда давом этамиз.

Бир вақт махдум кадамини секинлатиб, уч қаватли кесакзан бир бинонинг оққа бўялган эшигини тақиллатди.

Эшик очилмади. Фақат учинчи қават томидан овоз келди:

— Ҳозир, Ҳозир...

Ҳамроҳимизнинг чеҳраси очилиб кетди. У овоз эгасини таниган эди.

— Ҳа, хожининг ўзлари,— деди махдум енгил тортиб.

Эшик очилиб, остонада қора кўзойнакли, узун бўйли, қотма бир чол пайдо бўлди. У дархол қўлларини қорни устида қовуштириб, тавозе билан:

— Келинлар,— деди. Кейин махдумни таниб қолди шекилли, бирдан чараклаб кетди.— Э, келсинлар, махдум, келсинлар, марҳамат, қани ичкарига.

Лекин Муҳаммадхон махдум ичкарига кирмади.

— Қуллуқ, тақсир, биз узрлимиз — дўкон ёлғиз, бормасам бўлмайди. Аммо, ўзларига меҳмонлар олиб келдим. Буларни сизга, сизни оллоҳ панохига топширдим,— деди-да таъзим билан қайрилиб қайтиб кетди.

Биз бир чеккада қўл қовуштириб турар эдик. Ҳожи ўзбекистонлик эканимизни пайқадими, севинчи ичига сиғмай кучоқлашиб кўришди.

— Келинлар, жигарларим! Келинлар, азиз меҳмонлар! — дея ичкарига бошлади.

Чор Туркистоннинг алмисокдан қолган чордеворларини эслатувчи кесакзан, хароб уй. Саҳни ҳам тор, ивирсик.

Ҳожи бизни юқорига олиб чиқадиган тор зинапоёга бошлади. Учинчи қаватда ҳам тўхтамадик. Эндиги зина фақат томга олиб чиқиши мумкин эди. Водариг, бу қанақаси бўлди! Меҳмонхоналар пастда қолдю, нега бизни томга олиб чиқиб кетяпти? Ё бу ёқларнинг таомили шундаймикан?

Бунинг сабабини хожининг ўзи айтиб берди:

— Пастки қаватлардаги хоналарни ҳажга келган мусофирларга ижара қўйиб, ўзимиз томда турамиз, бамисоли дарахтнинг қок учида тунайдиган қушларга ўхшаб. На чора, сабаби тирикчилик...

Абдунаби ота, қора кўзойнагини бостириброк, хижолат бўлганидан кўзларини олиб қочди. Кейин сохтароқ кулиб қўйди.

— Том ҳам чакки эмас, кечалари одам мазза қилади — салкин...

Ҳожи бу жазирама ўлкада кечалари қиладиган роҳатини айтдю, лекин кундузлари одамни қовуриб юборадиган жазирамадан оғиз очмади. Яйдоқ томда, осмондан ёғилиб турган лов-лов жазирамада жон қаерда сақланади экан...

Шундай қилиб, томга чиқдик. Ҳар хил қақир кукурлар, эски-тускилар қалашиб ётибди. Оёқ босадиган жой йўқ. Том яланг бўлишига қарамай, ғир этган шабада йўқ. Уй эгаси жазирамага ўрганиб қолган эканми, ҳайтовур офтобда эмас, салқинда юргандек кўринарди. Елиб-югуриб сўридаги палосларни тузатди.

— Қани, ўтиринлар, азизларим. Қани, бу ёққа. Ҳа-ха, ўтиринлар. Фотиҳадан сўнг мезбон кўнгилхонлик қилди.

— Боки танишмизми-йўқми, бу ёғини қўяверинлар, лекин жонимда сақлаган ватанимдан келганларингиз учун бошим осмонда.— У давом

этди.— Сўраганинг айби йўқ. кўзимга ўтдек кўриняписизлар, лекин тусмол-лай олмаяпман. Кўз ногирон. ҳа. Гоҳо яқин танишларни ҳам тузук-курук илғаёлмай, хижолат бўламан. Қаердансизлар, деб сўрасам, ўринсиздек туюлар. Ахир қаердан келганингиз азиз бошларингиздаги ўзимизнинг чуст дўппимиздан, колаверса, юз-кўзларингиздан шундоғ-ла кўришиб турибди. Би ламан, Ўзбекистонимдансизлар. Лекин Ўзбекистон кичкина жой эмас, шунинг учун...

Қамбарали ўзини зўрға босиб ўтирган экан, гап тугамасданок:

— Почча! Мен қайнингиз Қамбарали бўламан! — деб ўрнидан туриб кетди.

Биргина «почча» сўзи Абдунаби ҳожининг ҳушини олиб қўйди. У беҳосдан гандираклаб турди, кучоқларини очиб, Қамбарали томон интилди.

— Қамбарали! Ё оллоҳ, қайним... Қамбарали!..— Чол ўзини Қамбаралининг кучоғига отди. У дағ-дағ титрар, бутун вужуди билан калтирар эди.— Сенмисан, Қамбарали! Жигарим, бағрим, сенмисан! Ё олло, мени нима кўйларга солдинг, худойим! — У энди Қамбаралининг кучоғидан чиқиб, икки кўлини кўкка кўтарганча нола қиларди.— Э, парвардигори олам, мени ватан фиरोғида, болаларим фироғида кунда-кунда ўлдиргандан кўра бира тўла жонимни ола қолсанг бўлмасмиди?! Ё раб!

У фарёд қилиб, икки кўлини бошига урарди, бу ёқдан мен, у ёқдан Қамбарали чолни ушлаб тасалли бермоқчи бўлардик.

Пастдан болалари югуриб чиқишди. Кўчада ҳам тумонат одам. Бу фарёд сабабини билмаса ҳам, чолнинг мискин холига ачиниб ҳамма бош чайқарди. Чол эса Қамбаралини кучоқлаб олиб, ҳамон фарёд урарди.

— Жон юртим омонми? Ариқларда чулдираб оққан сувлари борми? Жон Наманганим фуқароси омонми-саломатми? Болаларим, жигарпораларим... Ростдан ҳам мени кўргани келдингми, а? Мен кўришга лойик одам бўлдимми, а? Мен жиянларинг олдида, опанг олдида, эл-юрт олдида юзи каро, одами ножинсман-ку, Қамбарали?...

Иккаламиз чолни бир амаллаб кўрпачага ўтказдик. Қалтирок уни хануз чангалидан бўшатмаган эди. Ўтирган ерида қақшаб, оллоҳга ёлборар, теварагида болалари етим қолган кўзичоқлардек бўзлар эди. Менинг ҳам юрагим вайрон бўлди. Бир нима дейишга ожиз эдим. Қамбарали ҳам жаҳонидан айрилган ғариб чолнинг, азаб либосига бурканган мурғак болаларнинг оҳу зорига чидаш беролмай йиғлаб юборди. Унинг йиғиси поччасига баҳона бўлди. У ўрнидан сапчиб туриб яна нола бошлади.

Биз ерга қараганимизча ўтирардик. Бир маҳал ҳожи бошини аста кўтариб ёнида нест бўлиб турган ўғлига қаради.

— Болам, ўзимиз билан бўлиб, дастурхон солиш эсимизга ҳам келмабди. Чоп, меҳмонлар кўлига сув бер, бўтам. Тез бўл.

Бир неча дақиқадан сўнг дастурхон тузалиб, нон ушатилади. Йиғи-сиғи тугаганидан қувониб нонга қўл узатдик. Лекин бу осойишталик узокка бормади. Ҳожи энди болаларидан гап очди:

— Нима касб-кор қилишяпти? Топиш-тутишлари тузукми?

Қамбарали кулди.

— Болаларингиз соғу саломат. Униб-ўсиб, уйли-жойли бўлиб кетишди. Ҳаммаси ҳам ишли, ошли. Бири олим, бири давлат хизматида, яна бири савдо ишида. Жиянларимнинг ҳаммаси ҳам тузук одамлар бўлиб етишди.

Ҳожи калласини лиқиллатдию, лекин бир нима дейишга истиҳола қилди-ми, гап топмадими, ерга қаради. Кейин бирдан пешонасига шап этиб урди.

— Садқан ота кетай!

Яна ўртага совук сукунат чўқди. Чой совиди, ўртадаги хижолатпазликни кўтариб ташлаш учун сўз тополмас эдик. Сукунатни яна ҳожининг ўзи бузди:

— Опанг... Мехринисо... омонми?

Қамбаралининг дами ичига тушиб кетди. Бир нима дейиш қийиндек, пастки лабини тишлаб ўтириб қолди. Орадан бир неча дам ўтди. Кейин, кўзларида калкиган ёшни артиб, аста деди:

— Почча, сизни қирк йил чамаси кутди. Эшик тик этса, юраги шув этиб, раҳматлик...

— А?! — деб юборди Абдунаби хожи. Вужуди яна титрашга тушди. Кўзойнагини олиб ташлаб, аллақандай хира парда босган ёшли кўзларини Қамбаралига тикди.

— Дунёдан ўтдими шўрликкина? — У шу саволни бердию сакраб ўрнидан турди, лекин дод солишга биздан ийманди шекилли, пичирлаб йиғлади: — Сенинг ўрнингга мен ўлсам бўлмасмиди, онаси!

Марҳумга бағишлаб қуръон ўқий бошлаган эди, дарди нафасини бўғиб, овози чикмай қолди.

Энди боягидан ҳам ғамгин сукунат чўқди. Бошларимиз — ҳам, ўтириб қолдик. Абдунаби хожи ўзига келиб, бизни дастурхон неъматларига таклиф қилгунча кўп вақт ўтди. Қамбарали шаҳар таассуротидан гапириб, хожининг эътиборини бошқа ёққа буришга жалб этишга уринди. Шу гап орасида Абдунаби хожи яна болаларини сўради.

— Қизиқсиз, почча, уйланмай ўтиришармиди? Ахир олди эллиқдан ошиб қолди болаларингизнинг. Хозир невараларингиз йигирма иккита!

Қамбарали оғзи қулоғида, даврани чараклатиб юборди.

— Ҳа, чеваралар ҳам йўқ эмас, почча!

Абдунаби хожи неварачевараларини бағрига босаётгандек, эриб ўтирарди.

— Қаранг-а! Қаранг-а,— дерди нукул.

Шу гап устига етмиш ёшлар чамасидаги бир чол келди. Салом-алиқдан кейин хожи уни бизга таништирди.

— Бу киши Намангандан келиб, шу ерда истиқомат қилиб қолган мулла Абдураззоқ бўладилар. Тез-тез кўришиб, хасратлашиб турамиз.

Чолнинг уясидан айрилган ғариб мусичага ўхшаш қиёфаси менда қаттиқ аянч туғдирди. Кейин билдик, чиндан ҳам уясидан айрилган ғариб мусича мисол одам экан. Бунга ўзи айтиб берди.

— Ватанин ташлаб кетдигу доғи ёмон эзиб юборди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманглар, ватандан айрилгандан кўра, жондан айрилган афзал экан... — деди у бизга мунгли қараб.

Абдунаби хожи бир оз ўзига келди шекилли, унга дардманлик қилди.

— Мулла Абдураззоққа кўп қийин бўлди. Қелгандан бери, кетаман, дейди, кетолмайди, шўрлик. Дастлабки вақтларда, қайтсанг, терингни шилиб олишади юртингда, деб қўрқитишди. Кейин лаънати Гитлер ватанга бостириб кирди. Уруш чўзилиб кетди. Мана шундай қилиб, умр ҳам ўтди. Қаранг, ватанимга қайтаман, деб шу пайтгача сўккабош!..

Абдураззоқ калласини лиқиллатиб, хожининг гапини тасдиқлаб ўтирарди.

— Орий рост, бу ерда ҳам жуда хор бўлиб қолганимиз йўқ, аммо бировнинг юртида султон бўлгандан ўз юртингда ултон бўлгин, дегани рост экан, ука.

Шоҳ бўлсам ҳам, гадо бўлсам ҳам Ватанда бўлай,
Ватансиз бахт кўргандан кўрмайин ўтай.

Шўрвадан кейин устига товук гўшти босилган палов келди.

Ватан тўғрисида соғиниб-соғиниб айтилган гаплар тугамади. Вақт алла-маҳал бўлиб қолган эди. Совғаларни топшириб хайрлашдик.



Мана, орадан ойлар, ҳатто йиллар ўтди лекин «Қайдасан, жон Ватан!» деб нола қилган Абдунаби хожи, юртимга қайтаман, деб сўққабош ўтган Абдураззоқ домла ҳамон кўз ўнгимда.

2. Етим бўта

Бир вақтлар Тошкентнинг Минор-янги шаҳар маҳалласида марҳум отамнинг Бўри хожи деган ўртоғи бўлар эди. 1925—26 йиллари ҳажга кетиб, Мадинада турғун бўлиб қолган. Мадинага борганимизда суриштирсам, тўрт йил аввал вафот қилган экан. Болаларидан хабар олиш тилагида ахтариб шаҳарга чиқдим. Қун иссиқ, бутун кўчалар зиёратга келганлар билан тўла. Бу ҳолда адреси аниқ бўлмаган одамни сўроқлаб топиш амри маҳол. Лекин қийин бўлса ҳам марҳум Бўри хожининг дўконини топдим. Кичкина дўконда дўппи сотиб ўтирган саксон ёшлардаги бир чолдан тошкентлик марҳум Бўри хожини сўрадим.

— Ҳа, худди шу дўконда тижорат қилар эдилар. Уч-тўрт йил бўлди қазо қилганларига, Сиз кимлари бўласиз? — деди.

Тошкентдан эканимни билгач, чол ирғиб ўрнидан туриб, пастга тушди. Мен билан кучоклашиб кўришаркан, маъюс кўзлари ёшга тўлди.

— Э, худо, юртимдан келган одамга дуч килдинг, ўзингга шукур. Қани, азиз меҳмон, юқори чикинг.

Чол кўярда-кўймай мени кўрпачага ўтказди. Менга умр, ватанга омонлик тилаб дуо қилгандан сўнг калтирок қўллари билан чой узатди.

У кўз ёши қилиб ўтириб, ўзидан сўз очди:

— Бу ерларга келганимизга қарийб эллик йил бўлди,— деди.— Нима қилайлик, тақдир экан. Туз-насибамиз шв ерда экан, ўғлим. Эллик йил ҳазил гап эмас. Бир одамнинг умри ватаннинг ишқ-дардида кун ўтиб боради. Эл-юрт эсга тушмаган соат йўқ. Шу жойда уйландик, ўғил-қиз, набиралар. Қунимиз биридан олдин, биридан кейин, алҳамдуллилло, ўтиб турибди. Ёшимиз ҳам анчага бориб қолди. Ёш қанча улғайса, ватан шунчалик ширин сезилар экан. Буни ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайди, баҳоси йўқ. Ёшлар ўз хавасу иштиёқлари билан бўлиб, ватан ишқининг нималигини билмасликлари мумкин. Лекин ёш улғайган сари соғиниб-сарғаяр экансан. Қани энди қанотим бўлса-ю туғилиб ўсган еримга учсам! Кумушдек оқиб турган сувларидан тўйиб-тўйиб ичсам! Ёшлигимда алқаган ўша боғлар, кир бағирлари! Қўқонқишлоғим менга жаннат бўлиб кўринади. Баҳор кезлари ҳаммаёқ чаманга айланган дамларда яқин дўстлар билан наврўзлик қилиб қирларга чиқардик. Қовун сайллари... Қаерда қолди у унутилмас бахтли даврлар!... Олтин тупроқ, муздек шаршара сувлари!...— Чол ерга қараб, чуқур оҳ тортди. Кейин ўзига тасалли бераётгандек гапирди:

— Худо яна бандасига сабр берар экан-да... бўлмаса, жаннатдек ватандан ажралиб, мана шу товук сиғмайдиган катакда жон сақлаб ўтирармидик?! — деди. Чол томоғида қуриб қолган шўртак ёшларни ютиб, тағин индамай қолди.

— Худо насиб қилса, иншоолло, яна боришингиз мумкин,— деган эдим, чол кўзида бахт ўти ёниб кетди. У иккала қўлини бараварига кўтариб, дуо қилди:

— Омин! Айтганингиз келсин, тандан жон чикқунча, умидим шул...

У ёқ-бу ёқдан анча узок гаплашиб ўтирдик. Сўз орасида суҳбатдошим бирдан жонланиб:

— Меҳмон, сиз Тошкентдан бўлсангиз, Ҳабибий деган шоирни танисангиз керак? — деб сўради.

— Ҳабибий домлани айтаётгандирсиз-да?

— Ҳа.

— Ҳабибий домлани танмайдиған одам бормикан юртимизда! У киши отахон шоиримиз.

Чол ўрнидан туриб, мен билан қайтадан кучоклашиб кўришди.

— Уни кўриб келган кўзларингиздан бир ўпай,— деди-да, у кўзимдан чўлп-чўлп ўпди.— Биз мулла Зокиржон билан бир кишлокда, бир кўрпада катта бўлганмиз. Андижоннинг Қўқонқишлоғида, ҳа. Бир кишлокнинг болалари эдик.

— Ҳабибий домланинг Тошкентда эканликларидан хабарингиз борми?

— Радиодан эшитдим. Кўп вақт ғазалларини ашулага солиб эшиттиришади. Дўстимнинг ғазалларини эшитиб, узок-узок ўйга толаман. Саломатликлари, ахволлари қалай, у кишининг?

— Бундан бир неча йил олдин ижод тўйлари зўр тантана билан нишонланди, катнашган эдим. Шунда Ҳабибий домланинг яқин дўстлари, биродарлари билан Қўқонқишлоқда, Андижон, Наманганда, Ўшда бирга бўлдик. Ўзбекистоннинг ҳамма ерида тантанали кечалар, сайллар ўтказилди.

— Офарин, барақалло, ҳар қанча қилсанглар арзийди. Ҳозирги замоннинг Муқимийси, Завқийси у киши. Ўзбек халқининг кўп азиз фарзанди. Дунёда энг бахтли одам. Менинг ҳам табъи назим бор эди. Кошки у комилларнинг суҳбатларидан баҳра олсам... Улар ўтиб кетди.

У киши яна сукутга тушди. Лабларининг пичирлашидан, бир нимани эсламоқчи шекилли, деган хаёлга келдим. У чиндан ҳам шундай экан. Чехрасида ёқимли бир жилмайиш бор эди.

— Ҳамқишлоғимнинг «Диёрим» деган ашуласи эсимга тушиб кетди, — деди-да, шошмасдан шу сатрларни ўқиди:

Озода, гўзал ўлкам, ҳурматли диёримсан,
Жоним каби асарман, номус ила оримсан!
Кўп захмат ила топган, бахтимсан, қароримсан,
Ҳар ерда мадақорим, ҳар ишда мадоримсан!

Унинг юраги эзилиб кетгани шикаста овозидан сезилиб турарди. У тўртликни ўқиб, яна хаёлга чўмди.

— Ўқиган сарим болалигимиз эсимга тушади. Зокиржон Ҳабибий жуда камбағал оилада туғилиб, хор-зорликда ўсган эди... Чанг-тўзонда қолиб кетган бир ғариб мурғакнинг улуғ инсон бўлиб етишмоғи учун ё оллоҳнинг инояти ёки замонанинг меҳри-муҳаббати лозимдир.

— Ҳа, отахон, тўғри айтдингиз. Шоир Ҳабибийнинг етук инсон бўлиши учун замон меҳри зарур эди. Аё шу меҳрни биз ўз юртимизда топдик.

Кетишга отланиб ўрнидан турганимда чол иккита оқ дўппи олиб чиқиб менга узатди.

— Шунга мулла Зокиржонга берасиз, қўқонқишлоқлик бахтсиз дўстингиз Аҳмаддон ҳожидан, десангиз бас.

— Хўп бўлади, ота,— дедим калтироқ қўлларини қисиб.

Хайрлашиб анча узоклашганимда Аҳмаддон ота етим қолган гўдакдек йўлда ёлғиз турар эди...

1973

ВАТАН МЕҲРИ

Бир неча йил муқаддам хизмат бурчим юзасидан ҳажга йўл олган совет мусулмонлари билан бирга Маккага боришга тўғри келган эди.

Сафаримизнинг асосий машаққатлари Саудия Арабистонининг дарвозаси — Жаддадан бошланди. Чоккина бу шаҳар ҳажга келувчилар билан

гавжум. Аэропорт ва ён-атрофда тангадек бўш жой йўқ. Хаво ҳаддан ташқари дим. Одамлар эса чумолидек ўрмалайди. Осмонда реактив самолётларнинг гулдуриси, бу ерда юз мингларча кишиларнинг шовкин-сурони аъзойи баданингизни беҳол қилади. Кўчада юришга жой тополмай тик туриб қолдик. Ҳарорат баландлигидан оғиз қуриydi. Ҳамма мешқобларга ёпирилади. Кимдир овқат пиширмоқда, кимдир намозга тайёрланмоқда, яна кимдир ҳолсиз ётиб қолган...

Шу тарика не-не машаққатлар билан анча вақт ўтгач, бир амаллаб машина топдик.

Маккага ярим тунда етиб бордик. Биз тушган бино олди мезбонимиз Шайх Кушак бошлиқ одамлар билан лик тўлган эди. Бизни таниш-нотаниш ватандошлар кучоқ очиб қаршиладилар. Сўнгра махсус меҳмонхонанинг тўртинчи каватига жойлашдик. Араб, ўзбек мезбонлар бизни кўмиб ташлашди. Ватан аҳволи, хеш-ақраболари хусусида сўрашди. Совға-саломларимизни улашдик. Улар деярли ҳар куни келиб туришарди. Ватанга бўлган меҳр суҳбатнинг асосий мавзуи эди, соатлаб ўтирсалар ҳам ҳикояларимизни эшитиб сира қонмас эдилар. Ўзбек аёллари келиб, атлас сўрашарди. Хон атлассиз кизлар турмушга чиқмас эканлар.

Айниқса, муҳожир ватандошимиз Абдуллажон аканинг ҳазин ҳикояси бизни ларзага солди:

— Мен асли қўқонликман,— деди суҳбат аввалида Абдуллажон ака.— Ўзим Стамбулда тураман, онам билан укам эса шу ерда. Онамни кўргани ҳар йили бир-икки марта Маккага келиб кетаман. Онам ҳозир 103 ёшда. Ҳар келганимда ёлбориб, «Қўқонга олиб бор, ўлигим бегона юрда қолиб кетмасин», — деб ёпишиб олади. Мен охири у кишига: «Онажон! Сиз ҳозир Маккадасиз. Ўлсангиз ҳам Маккада қоласиз. Мусулмон динига мансуб одамга бундан ҳам катта бахт борми?»— дейман. Охири онам қаттиқ қаршилик кўрсатди: «Агар мени онам десанг, бу гапни иккинчи қайта айта кўрма! Менинг кўрар кўзим — Қўқон. Мен ўша ерда ўламан. Бордию казо етиб, ўлиб қолсам, мана шу нарсани Қўқонга олиб бориб кўмгин,»— деб соч толаларини берди...

Ҳикояни ҳамма бир ҳол бўлиб тинглади. Мени мезбонимиз Зайн Кушак чакириб қолди.

— Доктор, — деб гап бошлади у, — бизда мусофир кўп. Ҳамма уйлар тўлган. Хотиним, ёш болаларимнинг кўпи касал, қавму қариндошларим юздан ошади. Докторинимиз йўқ. Ҳажга дунёнинг ҳамма еридан одам келади. Лекин ҳеч қайсилари сизларга ўхшаб ўз доктори билан келмайди. Шу туфайли мен ҳар йили сизларни қувониб кутиб оламан. Ҳозир икки боламиз касалланган. Мурувватингизни аямасангиз.

Мен беморларни кўриб тегишли муолажа белгилаб қайтганимда, ватандошларимиз суҳбати давом этарди.

— Соғлиқни саклаш ишлари хусусида докторнинг ўзидан сўранглар,— деди Мунаввар ака. Бу борадаги ҳақиқатни эшитиб ҳамма ҳайратда қолди. Беморларни бепул даволаш уларнинг тасаввурларига ҳам сиғмас эди.

— Бу ҳақиқат,— деди Абдунаби хожи.— Доктор соҳиб келгандан бери ҳамма беморларни бепул кўриб, бепул дори беришарди. Мана, куни кеча биргина Муҳаммадхон маҳдумнинг уйида ўн-ўн беш беморни кўриб, текинга қанчадан-қанча дори берди. Совет давлати омон бўлсин!

Яна бир куни хонамизга ватандошимиз Мухторхон маҳдум кириб келди. Ўрта бўйли, ёқимли, хушчақчақ киши эди у.

— Касалнинг тузалгиси келса, доктор ўз оёғи билан келар экан,— деб бизни қулдирди ва сўнг жиддий тусда деди: — Суриялик мусофирларимиздан бирининг онаси қаттиқ касал бўлиб қолибди. Аҳволи ёмон бўлгандан кафан, тобутни ҳам ҳозирлашибди...

Биз кириб борсак, Мухторхон махдумнинг акаси — ватандошимиз Мухаммадхон махдум ҳам шу ерда экан. У биз билан кучоклашиб кўришаркан, куюк миннатдорчилик билдирди. Сўнг юзига рўмол ёпинган беморни кўрсатишди. Етмишларга бориб қолган она дам инграб, дам йўталарди. Харорати кирк! Айтишларича, икки кундан бери гоҳ хушини йўқотиб, гоҳ ўзига келаркан. Қон туфураркан. Мен «номахрам» бўлганим учун, беморни юзи ёпиқ ҳолда либос устидан тахминлаб кўришимга тўғри келди. Томирини ҳам кўйлак устидан тутиб кўрдим. Бемор оғир зотилжамга мубтало бўлган экан. Ичиладиган дори бериб, кунига тўрт маҳал эмладик. Иккинчи кундан бетўхтов йўтал аралаш қон туфуриши тўхтади, харорати тушиб, йўтали ҳам қолди. Кейинги кунларнинг бирида хабар олишга кирганимда ҳаммалари хонада чой ичиб ўтиришган экан. Бу гал бемор она «номахрам» меҳмондан юзини беркитмади. Бирга чой ичдик. Мени Суриянинг ноз-неъматини, лаззатли таомлар билан сийлашди.

— Сиз энди бизнинг оила аъзоларимиздан бирисиз, — деди беморнинг катта ўғли. — Катта бўлсангиз акаси, кичик бўлсангиз укаси. Онамиз ўлим ёқасида эди. Аввали худо, қолаверса, соғайишига сиз сабаб бўлдингиз.

Мен хизматим раҳматга арзигудек нарса эмаслигини айтиб, кетишга ижозат сўрадим.

— Тўхтанг! Тўхтанг! — дея ўғли хотинининг қулоғига арабчалаб шивирлади.

Бир вақт чодирга ўралган, юзи очиқ келин баркашда устига сочилган пулни келтириб олдимга кўйди.

— Бу, бизнинг арзимас ҳадямиз, доктор соҳиб. Қилган хизматингиз эвазига, — деди беморнинг ўғли. — Бор харжимизни жамладик. Арзимаса ҳам қабул қилинг.

Мен ноқулай бир вазиятда қолиб қулимсирадим. Албатта, ҳар бир элнинг ўз расм-русуми бор.

— Совет Иттифоқида беморлар бепул муолажа қилинади, ишонинг. Менинг сафар харажатамни ҳам давлат тўлаган. Илтифотларингиз учун ташаккур, — дедим мен. Мезбонлар бир-бирларига қараганча ҳайратланиб туришарди.

— Бундай олижаноблик фақат Советлар мамлакатада бўлиши мумкин экан-да. Бунчалик бўлишига унчалик ишонмасдик. Энди бўлса ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз, — дейишди улар. — Суриядаги Совет элчихонасида Нуриддин Мухитдинов элчилик қилади. У киши Тошкентдан. Борганда у кишига ҳам хизматингиз ҳақида ташаккуримизни айтамыз.

— Бунинг ҳожати йўқ. Арзимаган ишга овора бўлиб юрманлар.

Бир куни хонамга қайтиб келганимда столда хат турганини кўрдим. Мақтубда суриялик дўстлар чуқур миннатдорчиликларини билдирган. Хатда совет давлати ва унинг шавкатли халқига шон-шарафлар изҳор қилинган. Шу кунлари бошқа ҳамсафарларимизга нисбатан менинг ишим кўпроқ эди. Беморлар кўп. Улар кетма-кет келиб туришибди. Баъзан ватандошлар икки-уч йил ётиб қолган беморларга мени бошлаб борадилар. Қунларнинг бирида Зайн Қушак ҳовлиққанча хонага кириб келди. Айтишига кўра, пастки табақа уйда элликка яқин афғон мусофири жойлашган. Кимдир оғир бетоб бўлиб қолган.

Кириб борсак, катакдек кичик уйда эллик нафар одам. Менга олтмиш беш ёшлар чамасидаги бемор қолни кўрсатишди. Қасалнинг харорати киркдан ошган. У жуда ҳам қолдан тойиб қолибди. Мени қасалнинг тез орада кўпчиликка юкиш эҳтимоли саросимага солди. Бироқ қасални бошқалардан ажратиш сақлашнинг иложи йўқ. Шунинг учун баъзи эҳтиёт чораларни уқтириш билан чекландим.

Шубҳасиз, бу даҳшатли ходисаларнинг биринчиси эмас эди, албатта.

Уша кунлардаги умумий вазият шундай эди. Уч юз мингдан ортиқроқ аҳолиси бор Макка шаҳрида ҳаж маросими билан қарийб бир миллион зиёратчи йиғилган эди. Кўчалар, уйлар, одамлар билан тўлиб-тошган. Кўпчилик кўчада овқатланади. Ҳаво иссиқ. Ҳар хил ташландиқлар сочилиб ётибди. Бу нарса юкумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлар эди. Касаллик Макка, Мино, Мадина ва Жадда шаҳарларига, Арафот тоғига ҳам ўз кўланкасини ташлаган эди. Кунига юздан ортиқ касал кўриб, уларга дори-дармон бердик. Курбонлик сўйиладиган Минода ҳам касал кўп бўлди. Беморлар фақат ҳажга келувчилар эди. Асроркул ва Абдумалик қори тилмочлик қилишди. Мунаввар ака дори улашди. Касал қабул қилиш вақтида бир араб чоли ҳовлиқиб келиб, қапада дўстининг хотини ҳушидан кетиб қолганини айтди, Асроркул иккаламиз югуриб бордик. Ўн-ўн беш нафар эркак ва хотин чодир ичида ўтирарди. Бир чол тасбех ўгириб, беморга дам солмоқда. Баъзи хотинлар «Беморни номаҳрам кўрмасин»,— деб тўполон кўтаришди. Беҳуш ётган беморнинг манглайидан совуқ тер маржон бўлиб оққанини сўзлаб беришди. Шу пайт мен бемор фаолиятини яхшилайдиган дори билан эмламоқчи бўлдим. Дам солувчи чол кўлимни тутиб қолди:

— Нима қилмоқчисиз? — деди ғазаб билан.

— Эмлаш керак!

— Мукаддас жойда ўлим шараф-ку! — деди беморнинг имонини ўгириб ўтирган чол.

Бемор бошидаги икки киз хўнграб юборди:

— Онамиз тирик қолсин, бобожон!

— Майли, менинг керагим йўқ экан. Мажбур қила олмайман!..

— Марҳамат! Эшик очик! Қайси лаънати сени чақирди ўзи? — дея дамчи чол мени эшиккача дарғазаб кузатиб кўйди.— Бу мукаддас жойда фақат бахтиёрларгина бандаликни бажо келтирадилар.

Тортишув тугаса ҳамки, чол ҳамон бақирарди. Қападан чиққанимда кизларнинг «Она, онажоним!» дея дод солганларини эшитдим. Асрий жаҳолатни дил-дилимдан лаънатладим.

Шундай мусибатли кунларда дунёнинг 137 мамлакатидан ҳажга сонсаноксиз зиёратчилар келганини айтмайсизми?

Қайтар кунимиз яқинлашди. Ватандошлардан бири мени яна бир бемор кўришга олиб борди. Бемор ётган уй иккинчи қаватда бўлиб, деразалари шифтида эди.

Бемор ўттиз ёшдан ошган, отаси араб, онаси эса турк. У катта нуфузли идораларнинг бирида котиблик вазифасини бажараркан. Хали бўйдоқ. Икки ой бурун бошланган оёқ оғриғи уни охири йикитибди. Юрак касалига чалинган экан. Қорнида шиш пайдо бўлиб, нафас олиши қийинлашгандан бемалол ётолмас экан.

— Қасалхонада даволансангиз ёмон бўлмас эди,— дедим беморнинг ахволини синчиклаб ўргангач.— Уйни ўзгартиришга тўғри келади. Давомли муолажа, дори-дармонлар талаб этилади. Бунга шояд сиз ишлаган идора ёрдам берса...

— Мулоҳазангиз тўғри, доктор соҳиб,— деди у кўзларини катта очиб.— Сиз айтган ёрдам бўлганда мен шу аҳволга тушмасдим. Начора! Мен оддий бир котиб бўлсам...— Махдумнинг кўзи жикқа ёшга тўлди.

Мен унга тегишли дориларни бериб, тинчлантирган бўлдим. Бир неча кундан кейин Махдумнинг вафот этганини эшитдим.

Бу аянчли лавҳалар биз кўрган ҳақиқатлардан бир шингил, холос. Шу кўрган ҳолларни социалистик Ватанимизда аҳоли сиҳат-саломатлиги борасида кўрилаётган ғамхўрликка таққосласак, ҳар бир совет кишисини бешак қонуний ғурур чулғаб олади.

ФИКРУ ЁДИМ — ВАТАНДА

Хамсафарларимиздан Мунаввар ака Мадинада турувчи Муҳаммаджон сартарошга Марғилонда яшовчи онасидан хат ола келган эди. Мунаввар ака икковимиз ўша хатни эгасига тоширишга бордик. Муҳаммаджон уста Усмон хожи деган кекса ватандошимиз билан бирга ўртамиёна бир дўконда сартарошлик қилар экан. Биз сўроқлаб келишимиз билан чехрамиздан, эғни-бошимиздан юртдошлари эканлигимизни пайқашди шекилли, хожи ҳам, Муҳаммаджон ҳам юмушларини ташлаб кўриша кетдилар. Дуои фотиҳадан сўнг Ватандан келтирган муждамизни Муҳаммаджонга топширдик. У мактуб саксон тўрт ёшли муштипар онаси Хайринисодан эканини билиб, бир аҳволга тушиб, хушидан кетаётган одамга ўхшаб турди. Хат ўқилгандан сўнг Муҳаммаджон ҳам, Усмон хожи ҳам йиғлаб юбордилар. Орага оғир сукунат чўкди. Мен уларни чалғитиш учун:

— Шахрингиз кўп чиройли экан. Яна зиёратчилар кўплигини айтмай-сизми,— дедим. Ҳамроҳим ҳам шошиб-пишиб гапимни маъқуллади.

Уста Усмон хожи соқолини силаб, ўйга чўмиб ўтирган эди, ниятимиз тасалли бериш эканини сизди шекилли, аста бошини кўтариб:

— Минг чиройли бўлганда ҳам, киндик қонинг тўқилган ерга — ўз юртингга ўхшамайди. Э-э, ватан, ватан!..— деди.

Уста яна нималардир демоқчи бўлди-ю, лекин Муҳаммаджонга бир қараб кўйиб, гапнинг у ёғини айтмади. Биз узр сўраб қайтмоқчи бўлдик, Муҳаммаджон кўзларидаги ёшни шоша-пиша артиб:

— Йўк, йўк, йўк! Ҳеч қаён кетмайсизлар. Сизлар, ахир, волидаи муборагимдан мужда келтирган азиз меҳмонимсизлар. Онам ҳурмати, онаминг сиз келтирган табаррук бўйи ҳурмати олдиларингизга дастурхон ёзмасам бўлмайди. Йўк, мени уятга қолдирманглар. Ҳозир мен билан юрасизлар, уйга олиб кетаман! — дея туриб олди.

Биз бошқа учрайдиган жойларимиз борлигини айтиб, яна узр сўрадик. Уста Усмон хожи жонимизга ора кирди:

— Майли, меҳмонларга ҳозирча жавоб берайлик. Фақат бир шарт бор: кечкурун ҳеч қаён кетишмайди. Биз бориб олиб келамиз. Бирга келган бошқа ёру биродарларни ҳам таклиф қилсаларингиз, нур устига нур бўлур эди.

Усмон хожи билан Муҳаммаджонни топганимизни, бизни уйларига таклиф этганликларини меҳмонхонада Жўрабой акага айтдик.

— Кечкурунги меҳмондорчиликда бирга бўласиз,— деди Мунаввар ака. Кун ботар-ботмас Муҳаммаджон кўринди. Уйига олиб кетгани машинада келибди.

Биз уч киши отландик. Қолганлар узр сўраб миннатдорчилик билдиришди.

Кўчаларни айланиб, озгина юргандан кейин машина сув сепилган кичик бир эшик олдида тўхтади.

Уйдан бир неча бола гурр этиб югуриб чикди. Кейин Уста Усмон хожи кўринди. Кувончи ичига сиғмаган болалар галма-гал салом беришди. Ҳаммасининг эғнида арабча узун оқ кўйлак.

— Қани, марҳамат! Қадамларига ҳасанот! — дея уста ичкарига таклиф қилди ва ёнлаб юриб бизни сув сепилган, озода ҳовлига бошлади. Меҳмонхонага кирдик. Усмон хожи билан Муҳаммаджон ўринларидан туриб таъзим қилишди. Қўлларимизни чайганимиздан сўнг, дастурхон ёзилиб, ўзбек, араб таомлари кўйилди.

Уста Усмон хожи нон ушатиб туриб таниш-билишларни, уларнинг ҳол-аҳволларини сўради. Билганимизча жавоб бериб, ўзларидан ҳол сўрадик.

— Мен асли Марғилондан бўламан,— деб гап бошлади Усмон хожи.—

Отам камбағал косиб эди, мактаб кўрмадим. Унинг устига ота-онадан ажраб етим қолдим. Ун ёшга етар-етмас сартарошга шогирд тушдим. Беш-олти йил ўтгач, пул топишни ҳавас қилиб Самарқандга, ундан Бухорога, Қарши томонларга йўл олдик. Ёмон бўлмади, пул топмасак ҳам, ўзимизга яраша ошна-оғайни орттирдик. Кейин одамларга қўшилиб, туз насиба экан, бир чақасиз шу жойларга келиб қолдик. Бошдан жуда кўп оғирликлар ўтди. Юртга қайтиш илинжи билан уйланмадик. Мана умр ҳам ўтиб кетяпти. Бола-чақа йўк. Ватанга қайтиш ҳам насиб бўлмади. Икки жаҳон овораси бўлиб юрибмиз. Шунака, танам бу ерда-ю, жоним ватанда...

Шу пайт катта баркашда пиширилган товук кўтариб Муҳаммаджон кириб келди.

— Қани, меҳмонлар, гапиравериб сизларни таомдан ҳам қолдирдим, — деди уста, Муҳаммаджон бир иш билан эшикка чиқар-чикмас яна гапида давом этди. — Ўғлим Муҳаммаджоннинг бошидан ўтган савдолар меникидан ҳам оғир. Бу камбағалнинг отаси Маъмурбек ҳам марғилонлик. 1922 йили у энди тўртга кирган Муҳаммаджонни ўйнатиб келаман, деган бахонада Самарқандга жўнайди. Она бечора, отаси ўғлимни ўйнатиб келар экан, деб ишонганича Марғилонда қолаверади. Аслида эса Самарқанд у ёқда қолиб, отаси ўғли билан Афғонистонга йўл олади. Кейин Мадинага келиб яшай бошлайди. Иши юришмай, ёймачилик қилади. Қелганига бир йил тўлар-тўлмас вабога дучор бўлиб ўлади. Беш ёшли Муҳаммаджон кимсасиз етим қолади. Етимлик ёмон, ўзим ҳам етим ўсганман. Бегона юртда эса яна ҳам қийин. Унинг устига ўша йили вабо кўп одамнинг ёстигини қуритди. Муҳаммаджонга бир бурда нон, бир пиёла сув берадиган одам бўлмаганидан уни ўзимга ўғил қилиб олдим. У билан кечирган азобларим ўзимга-ю, худога аён. Одам боласи хўп чидар экан-да, азоб-укубатга... — Уста ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Дарҳол пиёлага чай қуйиб ичди. — Ун ёшга етар-етмас шогирд қилиб ёнимга олдим. Ҳалигача бир дўконда ишлаймиз. Балоғатга етди. Уйлантирдим. Худо берган тўрт фарзанди бор. Бош қизининг исмини онасига таклид қилиб Ҳайринисо қўйдик. Ота-бола бир уйда яшаймиз. Фақат муштипар онасига жабр бўлди. Она болага, бола онага зор. Кеча-қундуз онам дейди бу шўрлик ҳам.

Муҳаммаджон кириши билан уста гапини тўхтатди. Гап нима устида кетаётганини Муҳаммаджон сездими, ғалати бўлиб жойинга ўтирди.

— Хафа бўлманглар, дунёда бунака воқеалар кўп бўлади, — деди Мунаввар ака тасалли оҳангида. — Онангиз билан ён қўшнимиз. Бир жойда яшаймиз. У кишига бориб, сизларнинг саломатликларингизни, уйларингизда бўлганимни батафсил сўзлаб бераман.

— Агар Муҳаммаджон ватанга бутунлай қайтмаган тақдирда ҳам, онасини кўриб келиш учун меҳмон тарикасида бориши мумкин, — деди Жўрабой ака. — Совет давлати адоват сақламайди. Суриядан, Ирокдан, Афғонистондан, Туркиядан, ҳатто Америкадан ҳам ҳар йили қанчадан-қанча ватандошларимиз меҳмон бўлиб келадилар, қавму қариндошлари, ёр-дўстлари билан кўришадилар. Иззат-иқром кўриб, яна ўз жойларига қайтадилар. Сиз ҳам ўшалар қаби ватанга боришингиз мумкин.

Муҳаммаджон севиниб кетди. Кейин ўзини босиб, хаёлчан деди:

— Сўққабаш бўлганимда ўйлаб ўтирмай, учардим-кетардим. Лекин болаларим бор, қийналиб қолишармикин...

— Анча гаплардан хабардормиз, меҳмон, — деди уста Усмон хожи Жўрабой акага. — Бизда радио ҳам бор, магнитофон ҳам бор. Чет элдаги ватандошлар учун маълум жунларда Ўзбекистон радиосида эшиттиришлар берилади. Ватанимиз ҳақидаги хабарларни эшитиб, хурсанд бўлиб юрамиз. Мен радиодан эшитган ашула-музикаларимни магнитофонга ёсиб олганман. Хозир булар 300 га етди. Шулардан сизларга қўйиб бераман, ўзларинг ҳам эшитиб кўринглар.

Сал ўтмай «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ» ва бошка куйлар бир-бирига улаиб кетди. Биз буларни худди ватанимизда эшитаётгандек завқланиб, устага офарин айтдик. У киши ғурур билан:

— Менинг ишим шу,— деди.— Тошкентдан радио оркали бизлар учун бериладиган эшиттиришларнинг биронтасини қолдирмайман. Кераклиларини ёзиб олиб, ватандошларга қўйиб бераман. Яқинда Маккада яшовчи асли тошкентлик Исҳоқбек хожининг қизлари, набиралари оталарига мурожаат қилиб гапиришди.

Уста, даста-даста бўлиб тахланиб ётган ленталардан бирини олиб магнитофонга қўйди. Жарангдор, бахтиёр овоз эшитилди: «Отажон! Бизлар мактабларда ўқиймиз. Катта бўлдик. Яхши турмуш кечирамиз, сизни соғинамиз. Кўргимиз келади. Бир келиб кетинг, жон дада!..»

— Шу мурғакнинг овозини эшитиб, юрак-бағрим эзилиб кетди. Дархол ёзиб олиб, Маккага, Исҳоқбекка йўлладим. Эшитмаган бўлса, эшитиб қўйсин деб... Бу ерда мусикачилар бизнинг ашулаларимизни билишмайди. Билганлари катта пул талаб қилишади. Шунинг учун ёзиб олган ленталаримни тўйларга олиб бориб, йиғилган ватандошларга қўйиб бераман. Ҳамма шод. Ватандошлар мени Уста Усмон хожи демасдан, «Усмон магнитофон» дейишади. Ватан янгиликларини билгиси келган ватандош мендан сўрайди. Бу ерда ватан хабарини мендан яхши биладиган одам бўлмаса керак. Кўп вақт ўзим дўконга бормамайман, ўғлим ишлайди. Мен бўлсам, радиодан кулоқ узмайман. Дехқончилик, илм, саноат, маданият соҳаларида ватанимиз эришган ютуқларни гапириб, ватандошларимни хурсанд қиламан. Бирон тўй йўқки, менсиз ўтсин... Ҳар ҳолда, Тошкентнинг ватандошларга ҳол-хабар эшиттириб тургани кўп яхши бўлди. Гоҳо худди ватанда яшагандек роҳатланиб кетасан, киши.

— Сиздан бошка ватандошларда ҳам радио борми?

— Курби етганларда бор. Кўпчилик камбағал. Ололмаганлари кўпроқ. Уларга мен етказиб тураман.

Устанинг гапига қизиқиб, вақтнинг ўтганини ҳам сезмабмиз. Соат ўн икки бўлибди. У ёқ-бу ёқдан хўрозларнинг кичкириклари эшитила бошлади.

Устадан ижозат сўрадик.

— Биз ғариб ватандошларни йўқлаб келганларингиздан беҳад миннатдоримиз, раҳмат.

Уста дастурхонга фотиҳа ўқиди. Ҳатто болалар ҳам ухлашмаган экан, ҳаммалари бизни кузатиб, эшик олдида чиқишди.

— Доктор, вақтингиз бўлганда бизнинг набираларни бир кўриб қўясиз-да. Худо хоҳласа, катта бўлишса, ватанга ўқишга боришади. Буларни ҳам доктор қиласиз.

— Хўп-хўп!

Ҳаммамиз қулишдик. Муҳаммаджоннинг ўғиллари ҳозир биз билан жўнаётгандек жуда хурсанд бўлиб кетишди.

1976

КЎЗГА ТЎТИЁ

Мунча жононсан, гўзалсан, эй Ватан, бўлгил омон,
Одам ўглин кадри ошган тинч, муқаддас бир замон,
Барча инсон бир-бирига қон-қариндош, меҳрибон,
Шундок айёмда туғилган ерда бўлмаслик ёмон,
Тинглагил, юртинг чакирмоқда, сенга овоз этар.

Ғафур Ғулом

Республикамиздан ҳажга кетаётган бир гуруҳ қарияларимизнинг сиҳат-саломатлигини кузатиб бориш учун тиб ходими сифатида уларга ҳамроҳ бўлишга тўғри келди. Сафарга тарадуд кўраётганимда бир дўстим қўлимга мўъжазгина тугунчак тутқазиб, уни тақдир тақозоси билан олтмиш йилчадан бери мусофирликда истиқомат қилаётган таниши Муҳаммадхон махдумга топшириб қўйишимни сўради. «Бир кийимликкина атлас,— деди у тугундаги совғани изоҳлаб.— У ерларда топилмас экан. Чет эллардаги ватандошларимиз орасида шундай бир анъана бор экан: турмушга чиқаётганда келин никоҳ кuni албатта атлас либос кийиши шарт. Бусиз куёвнинг уйига бориши уят саналаркан. Атлас тополмаганидан турмушга чикмай уйда ўтириб колганлар кўпмиш... Баъзан ноилож танишларидан орият тарзида ҳам олиб туришаркан... Муҳаммадхон махдум мендан бир кийимлик атлас юборишимни ўтинган эди. У киши билан ҳажга борганимда танишганман. Ватангадолик жафосини тортган одам. Сиз баҳона, кўнгли ўксик, ситамдийда ватандошимизнинг илтимосини адо этай, дедим...»

Мақкага етиб боришимиз биланок омонатни эгасига топшириш ҳаракати-га тушдим.

Ниҳоят, бир амаллаб бухороликлар истиқомат қиладиган кўчани топдим. Пештокига «Муҳаммад махдум ал-Бухорий», деб ёзилган дўконга кўзим тушиб, тўхтадим. Иккилана-иккилана унга яқинлашдим.

Дўконча тўридаги икки каватли кўрпача устида арабий либос кийган нуроний мўйсафид китоб мутолаа қилиб ўтирар, пастда эса ёшгина икки йигит савдо билан машғул эди.

— Муҳаммадхон махдумнинг дўконлари шу бўладими? — деб сўрадим йигитлардан.

Махдум ирғиб ўрнидан турди ва мен билан кучоклашиб кўришаркан;

— Ё олло, ватандош! — деди овози хиркираб.— Қадамларига ҳасанот!

Чой устида гап билан бўлиб, омонатни топширишни қарийб унутган эканман.

— Кечирасиз, таксир,— дедим шошиб,— бу ёкка сафарга жўнашдан олдин танишингиз Зайниддин акани учратган эдим. У киши сизга мана бу совғани бериб юбордилар.— Қўлимдаги тугунчакни махдумнинг олдига қўйдим.

— Ташаккур,— дея махдум тўлқинланиб кетди.— Ватандан келган ҳар бир киши, ҳар бир нарса биз учун азиз, мўътабар. Она тупрокдан-а, Ватандан-а! — Махдум тугунчакни очиб кўрди-ю: — Мусофир ватандошларингизга бебаҳо совға келтирибсиз, раҳмат,— деди.— Лекин шунинг ўрнига бир кафт ватан тупроғидан олиб келганингизда борми, мени умрбод шод қилган бўлардингиз, биродарим. Уни кўзларимга суртиб, колганини ўлганимда кафанимнинг ичига солиб кетардим. Жасадим Маккада бўлса ҳам, руҳим азиз Ватанда бўларди. Мен энди бу дунёдан кетиб боряпман. Во дариг, фарзандларим, авлодларимга жабр қилдим, жабр қилдим. Айбдор — ўзим. Энди ким бу гуноҳларимни кечиради? На яратган, на бандаси...— дея махдум йиғлаб юборди.

Мана, ўшандан бери орадан етти йил ўтди. Лекин ҳамон сафар хотиралари ҳақида ўйласам, мусофир гўшаларда бир кафт ватан тупроғига зор бўлиб юрган ўша Муҳаммад махдум эсимга тушади. У менга йўллаган кейинги мактубида шундай дебди: «55 йилдан буён фикри-зикрим, жонитаним факат Ватанда, Ватан азиз, Ватан муқаддас, уни дунёдаги ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Буни Ватандан жудо бўлган кишигина яхши билади. Ўшанда айтганимдек, энди она-Ватандан бир кафт тупрок кутиб, шунинг умидида оламдан кўз юмсам керак».

1977

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОКОТ

Ватан меҳри, Ватан муҳаббати!.. Инсон учун Ватандан азиз, Ватандан қимматли, мўътабар нарса борми дунёда?! Ватан тупроғи — кўзларга тўтиё. Бу абадий эътиқод, айниқса, чет элга сафар қилганимда қалбингни ҳаяжонга солади. Ватан соғинчи бутун борлигини қамраб олади. Ана шунда бир маҳаллар турли сабаблар билан ватандан жудо бўлганлар тақдирига, аҳволига ачиғиб кетасан киши. Маккага сафар қилганимизда ана шу туйғуни яна бир бор ҳис этдик.

Маккага йўли тушганлар одатда у ердаги ватандошларига ҳар хил совға-саломлар, фотосуратлар, хатлар олиб борадилар. Бу совға-саломлар қанчадан-қанча қувончларга, учрашувларга ва суҳбатларга сабаб бўлади. Баъзи бир ватандошларимиз кўпроқ биз билан бирга бўлгилари, нима биландир бизга қўмак бергилари келади. Кўплари ватанга қайтиш орзуистаклари борлигини ҳам изҳор этадилар. Биз ҳам ҳар сафарги учрашувда очик юз, ширин сўз билан муомалада бўламиз...

Биз Маккага тун ярмида етиб бордик. Буни қарангки, эрталаб нонушта пайтидаёқ ватандошларимиздан беш-олти киши биз турган ҳовлига келишди. Ўрта Осиё дин назоратимизнинг мутасаддиларидан Юсуфхон акадан тортиб ҳаммамиз уларни хурмат-тавозе билан қарши олдик, юқорига таклиф қилдик. Юсуфхон ака билан Шамсиддинжон мезбонлик қилишди. Дастурхонни безатишга ҳаммамиз ўз ҳиссамизни қўшдик. Патир нон, бўғирсок, пистабодом, майиз, ёнғоқ, асал қўйилди.

— Азиз дўстлар, қани дастурхонга марҳамат,— деди Юсуфхон ака. Меҳмонларга ҳар жойдан Тошкент пиёласида чой узатилди.

— Сизларнинг чойларингиз ҳам ўзгача, ажойиб,— деди меҳмонлардан бири.

— Чой Самарқандда қадокланган, марҳамат, ичинглар,— деди кулиб Юсуфхон ака.

— Қалай, эсон-омон, соғ-саломат келдиларингизми? Эл-юрт, ёру биродарлар тинч-омонми?

— Раҳмат, ҳаммаларингизга юртимиздан салом келтирдик.

— Раҳмат, барча дўсту биродарлар омон бўлсинлар,— деди ўтирганлардан бири.— Энди мен бу ерда ўлтирганларни сизларга таништириб қўяй. Аввал ўзимдан бошлаб қўя қолай. Мен Абдурахмон хожи — асли Андижонданман. Ватандан келиб қолганимга яқин олтимиш йиллар бўлди. Бу киши Тошпўлат қори — Қўқондан. Хўш, Хожи Сиддик домла — Марғилондан, Абдуҳолиқ махсум — Намангандан, Оқилжон тўра — Тошкентдан, Аҳмаджон хожи — Самарқанддан. Бу ўзбекларнинг Маккага келиб қолганларига қарийб 50—60 йил бўлган. Биз келган вақтларда йўл қийинчиликлари кўп эди. Туяда келганмиз. Энди у гаплар қаёқда дейсиз. Ҳар ҳолда, унчалик қийналмадингларми?

— Йўқ, раҳмат, яхши келдик. Фақат ҳаво иссиқроқ экан.

— Ҳозир қиш мавсуми. Ҳаво иссиқлиги жуда борса 40 даражага етади. Ёзда бўлса 50—55 даражагача чиқади,— деди Аҳмаджон хожи.— Маккада қиш бўлмайди, қор, ёмғир ёғмайди. Ҳамма фасллар ёздек ўтади. Биргина Тоиф Шариф деган шаҳар бор. Ўша ерда ҳаво нисбатан салкинроқ бўлади. Шунинг учун кўпчилик муҳожирларимиз Тоиф Шарифда истикомат қилдилар.

Хожи Сиддик домла сўзга аралашди:

— Бундан бир неча муддат аввал айримларимиз Покистонда, Афғонистонда, Туркияда, Эронда бўлдик, кўпларимиз Ҳиндистонни ҳам кўрдик. Лекин ҳеч қайсисини ўз ватанимизга ўхшата олмадик.

— Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, деб шуни айтади-да,— деб

кулди Абдуҳолик махсум.— Эсимизда бор, юртимизда тўрт фасли тўлик кўрардик... Эҳ, бу ёқларда-чи? — Қайда дейсиз. Эҳ, ватан бошқача бўлар экан. Ҳаммамиз ватанни орзу қиламиз. Баъзилар уйланмасдан умр ўтказмоқдалар. Уйлансам шу ерда қолиб кетаман деб ўйласалар керак-да.

— Шунақа дейсиз-у, тирик жон, Ватанга қайтишнинг иложи бўлавермасдан кетини ўйлар экансиз. Мана бизлар уйландик, бола-чака орттирдик, мол-дунё топдик. Мундоқ қараганда, камчилик йўқдек. Лекин кўнгил жойида эмас, нимадир муҳим нарса етишмайди. Кўзимиз ватанда, ўсиб-унган жойга не етсин. Қиндик қони тўкилган, она сутини эмган жойингни соғинар экансан. Иложини топиб, қушдек учсак деймиз.

— Нон берган, туз берган ватанни қўмсаб, бағримиз кабоб бўлди,— деди Оқилжон тўра.— Қишининг ватани бўлмаса кўнгли яйрамас экан. Еганинг ичингга тушмайди. Инсонга бундан ёмон хўрлик йўқ... Ёшлиқда киши унчалик фарқига бормас экан. Ёшингиз ўтган сари ватансизлик жуда каттик сезилар экан. Ўйлаб-ўйлаб дунёга келганингга ҳам афсусланасан киши. Ҳар бир инсон ўз ватанида яшаши керак экан-да... Қизиқ, болаларимиз шу ерда туғилган бўлса ҳам уларни: «Бухоролик» деб аташади. Бу билан бизнинг бегона эканлигимизни пешонамизга тақ этиб ургандек бўлишади...

— Ҳафа бўлманглар, юртга келинглар, юрт эшиги сизлар учун ҳамма вақт очик,— деди Шамсиддинжон меҳмонларга таскин бериб.— Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас, деган ўзбек мақоли бор. Ватанимиз кун сайин гуллаб-яшнапти. Турмуш фаровон, маданият, илм-маърифат, техника, кишлок хўжалиги гуллаб борапти...

Ватандошлардан бири чуқур уҳ тортиб, кўзига ёш олгандек титроқ овозда илова қилди:

— Мана шу яқин йилларда ақли, илми, обрўси баланд ватандошларимиздан Усмон ҳазрат, Нажмиддинхон тўра, Абдулла домла, Абдусалом ва яна бир қанчалар «Ватан-ватан» деб дунёдан ўтдилар. Армонда кетишди улар. Наманганлик Абдунаби қори бўлса, ўла-ўлгунча «юзим қора бўлди» деб юрди. Чунки она-Ватанда еттига боласини ташлаб келган экан-да...

Ўртага оғир сукунат чўқди.

— Мен бир нарсага ҳайронман. Бундоқ бориб юртни кўриб келсаларинг бўлмайдими? — деди Шамсиддинхон жимликни бузиб.— Юртимизга ҳар йили Покистондан, Эрондан, Афғонистондан, Суриядан, Ҳиндистондан, Фарбий Германиядан, ҳатто Америкадан юртдошлар келиб, бир-икки ой дам олиб кетишади. Қасал бўлсалар бепул даволаниб ҳам кетадилар...

Сухбатимиз охирлай деганда яна янги меҳмонлар келиб қолишди. Аввал келганлар ижозат сўраб, ўринларидан туришди. Совға-саломлар бериб уларни кузатдик.

Янги келган ўзбеклар уч киши эди. Булардан бири менинг эски кадрдон дўстим Тўйчи Али бойвачча эди. Унинг ёнида келганларнинг бири Намангандан, иккинчиси Ўшдан экан. Улар ўз таниш-билишларини суриштиришди. Уларга ҳам совға-саломлар бериб хурсанд қилдик. Тўйчи Али бойвачча мени уйига таклиф этди. Мен: «Ҳожати йўқ, овора бўлманг», деб узр сўрадим. Лекин у сўзида каттик туриб олди.

«Сизни келасиз деб беш-олтита дўсту ёрларимизни айтиб қўйганман. Бунинг устига уйда беморимиз ҳам бор. Сизга кўрсатмоқчи эдик», деди. Йўқ деёлмадим, кечроқ бораман, дедим.

Бизга уй берган Шайх Зайн Кушак аввал ўзининг тўрттала хотинидан бўлган бемор болаларини, кейин ҳажга келган бемор мусофирларни кўрсатди. Беморлар шу қадар кўпки, енгилгина кўздан кечириб ҳам улгуролмайсан. Беморларни бепул кўриб, бепул дори берганим учун касаллар ёғила бошлади.

Тушдан кейин касал ётган айрим ўзбекларнинг уйига олиб кетдилар. Мен

улардан: «Нега бунчалик касаллик кўп?» деб сўрадим. «Бизда умуман докторлар етишмайди, — деб жавоб беришди улар. Борларига ҳам ҳар ким етиша олмайдди». Уларнинг айтишича, тиббий ёрдам учун жуда кўп пул талаб қиладилар. Моддий томондан қийналган одамлар жуда кўп, дорилар киммат. Дорихоналар хусусий кишилар қўлида бўлиб, дориларни истаганча пулга сотадилар. Бир дона аспириин 5 риал туради. Саудия Арабистонида беморлар у ёқда турсин, хатто туғилган ва ўлганлар ҳам ҳисобга олинмайди. Бу мамлакатда сил, безгак, трахома, тери касалликлари, тиф, дизентерия йил бўйи учрайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, Саудия Арабистонида 1970 йилда 6,8 минг ўринли 47 касалхона (1 минг кишига 0,9 ўрин), 206 диспансер, 303 медицина пункти хизмат қилган, 1969 йилда 1,5 минг врач (11 минг кишига 1 врач) 353 стоматолог, 594 фармацевт, 2 мингга яқин медицина ҳамшираси ишлаган.

Саудия Арабистонида врачлар ва фармацевтлар Эр-Риёдда тайёрланади. Бу мамлакатда 7 та медицина билим юрти мавжуд. Давлат бюджетининг 2,9 проценти соғлиқни сақлаш ишларига сарф этилади. Ана шу боисдан бемор ватандошлардан ва зиёратга келувчилардан бир соат ҳам бўшаш мумкин эмас. Беморлар тупрок бўлиб ёғилади.

Кеч соат 6 ларда аранг бўшаб, Шайх Зайн Кушак ҳовлисига келдим. Кўп ўтмай Тўйчи Али бойвачча ҳозир бўлди.

Маккада ҳаво жуда иссиқ. Куёш нурлари найза бўлиб бошга санчилади гўё. Ҳаво дим, нафас олиш машаққат. Осмон тиник, тангадек булут кўринмайди. Осмонда лочинлар чарх уриб учади. Макка кўчалари зиёратчилар билан лик тўла. Шов-шувдан қулоқлар том битади, одамлар чумоли бўлиб ўрмалашади. Ҳавонинг иссиғи ва тикилинчдан кўра терга ботиб кетдим. Тилим қакраб, айланмай қолди. Одамларни суриб-итариб зўрға бир четга чиқиб олдик. Бошим айланиб, кўзим тиниб ерга ўтириб қолганимни ўзим ҳам сезмабман. Дўстим биринчи кўринган машинани тўхтатди. Йўлга тушдик. Қайси кўчага кириб, қайси кўчадан чиққанимни сезмадим. Ниҳоят, биз ўтирган машина узоқ юриб, олдига сув сепилган эшик ёнида тўхтади. Эшик олдида ўйнаб юрган болалар мен билан саломлашиб кўришдилар.

— Булар менинг болаларим, — деди Тўйчи Али бойвачча.

— Яхши болалар экан, офарин!

Болалар хурсанд бўлишиб, бизни қуршаганча ҳовлига киришди. Чакирилган меҳмонлар иккинчи қаватда экан. Зинадан кўтарилдик. Ичкарига киришимиз билан мenden олдин келган меҳмонлар гур этиб ўринларидан туришди. Ҳамма билан бирма-бир кўришиб чиқдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Кичикрок меҳмонхона, кизил гилам тўшалиб, атрофига шохи кўрпачалар солинган, пар ёстиклар қўйилган. Уртада хонтахта, турли ноз-неъматлар. Қўлга сув куйилар экан, мезбон дўстим ўнғайсизлик билан:

— Жойларимизни зиёратга келувчиларга бериб, меҳмонхонамиз кичиклик қилиб қолди, — деб уэр сўради.

— Зарари йўқ, «Нинадек тор ер, дўстлар билан кенг майдон бўлур, кенг ер душман билан зиндон бўлур», — деган ўзбек мақолини эшитмаганмисиз?!

— Тўғри-тўғри, — деб қулишди бошқалар.

— Раҳмат, доктор, мени ҳижолатдан чиқардингиз.

— Қани, дастурхонга марҳамат.

— Ижозат берсаларинг, меҳмонларни таништириб ўтсам, — деди чой ичиб ўтирганимизда Тўйчи Али бойвачча ва дастлаб мени таништирди. — Бош меҳмонимиз, менинг ота қадрдоним, ватандошим Илёс хожи... Хўш... булар эса ўзимизнинг шу ердаги ватандошлар: Абдуҳамид Махдум — Намангандан, Усмон хожи Эшон — Андижондан, Абдукарим хожи — Қўқондан, Абдуваҳоб қори — Самарқанддан, Собиржон домла — Марғилондан,

Хошимбой хожи — Бухородан. Бегона одам йўк. Фақат, ватандошлар, тортинмасдан ўтиринглар.

Мен Тўйчи Али бойваччаникига асал олиб келган эдим. «Ватандан табаррук» деб дастурхонга қўйдим. Меҳмонлар асални мактаб-мактаб ея бошлашди.

— Она юртнинг асали юртнинг ўзидек азиз эди, севиб ейишдик,— деб кулди Абдукарим хожи. Асал тамом бўлиши билан товук каботи келтирилди.

— Қани, товукка марҳамат,— мулозамат қилди мезбон.

— Овкатлар етарлик. Қани энди яхши ашуладан бўлса,— деди кимдир Тўйчи Али бойваччага қараб. Тўйчи Али бойвачча магнитофон мурватини буради. Навоий, Лутфий, Огахий, Увайсий, Бобур ғазаллари билан айтиладиган «Рост», «Дугох», «Наво», «Бузрук» мақомидан куйлар янграй бошлади Зебунисо бегим ғазали билан айтиладиган «Самарқанд ушшоғи» ижро этилаётганда:

— Шуни бир мириқиб эштайлик-а,— деб қолди Абдувахоб қори Самарқандий.— Жаҳонга номи кетган Улуғбекнинг ватани — Самарқанд, кўклар билан ўпишган мадрасалар...

Ашула тинглаб ўтирар эканмиз, санъат ва санъаткорлар тўғрисида сўз кетди.

— Ўзбек мақомларини ўзбек халқининг олтин сандиғи, деса бўлади. Ватанни соғинган чоғларимда шу куйлар билан жоним таскин топгандек бўлади,— деди Тўйчи Али бойвачча.— Хафа бўлган пайтларимда музикадан бошқа дилкаш тополмайман.

— Яхши, бу мақомлар ва ёқларда ҳам топилиб турар экан,— дедим мен.

— Э, қаерда дейсиз,— деди Тўйчи Али бойвачча афсус билан.— Мен буларни Истамбулдан олтинга сотиб олиб келганман. Яна мақом ёздириб келиш учун бу йил ҳам Истамбулга, Афғонистонга, Покистонга бориб келмокчиман. Ҳақиқатан дунёга келиб, нима кўрдик?!

Ўртадаги суҳбатимиз Абдуҳамид Махдумга ёқмасди шекилли, у ижирғаниб ўтирарди. Охири у суҳбатни бошқа томонга бурмокчи бўлди:

— Ватанни кўп мактаёписизлару,— деди Абдуҳамид Махдум,— лекин ҳар хил «миш-мишлар» юриди бу ерларда. Тўғри, биз ватандан узокдамиз. Бироқ юртимиз ҳақидаги мана шу миш-мишларни эшитавериб кулоғимиз битади. Қайси бирисига ишонишингни ҳам билмайсан киши.

— Қанака гаплар экан, эштайлик,— дейишди ўтирганлар.

— У ерда, ватандаги одамлар ниҳоятда камбағал эмиш. Кийимлари ночор! Одамлари бошқа миллатлар ҳисобига кўпаярмиш. 70 сўмлик ишга фақат ўзбеклар қабул қилинар эмиш... Умуман шунақа гаплар...

Шу пайт кўпчилик менга кўз ташлади. Мен Абдуҳамид Махдумнинг гапларига жавоб айтдим.

— Дунёда нима кўп, миш-миш кўп. Одам ўз кўзи билан кўрмагандан кейин миш-мишга ҳам ишониши мумкин. Аслида ахвол сиз айтганча эмас. Мана, масалан, мен инқилобдан олдин туғилганман. Бир оилада уч ўғил эдик. Орамизда бир дона пахталик чопон бор эди. Зарур бўлган вақтда навбат билан кияр эдик. Инқилобдан кейин мана, ўқидик, уйландик. Оила бошлиғи бўлганимга 46 йилдан ошди. Мана энди, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда. Бизда ҳар бир кишининг ўз ихтисоси бўйича оладиган ўртача ойлиги 160 сўмни ташкил этади. Муқофотлар ва бошқа имтиёзларни кўшиб ҳисоблаганда иш ҳақи ойига 200 сўмгача этади. Бундан ташқари, касал бўлганлар текин муолажа қилинадилар. Яна бунинг устига касаллик вақти учун ҳам тўла ойлик тўланади. Э-э, айтган билан адо бўлмайди, бундай эзгу жиҳатларни. Мабодо, сиз айтгандек камбағал бўлса, қаердан орттириб кассаларга минг-минглаб пул қўйишади?.. Булар фақат моддий бойлигимиз. Яна энг керакли маънавий бойлигимизни айтмайсизми? Инсон-

лик кадр-кийматини айтмайсизми? Мана, фақат 1978 йил ичида СССРда 11 миллион кишининг уй-жой шароити яхшиланди. 1,4 миллион ўқувчиға мўлжалланган умумий таълим мактаблари, қарийб 600 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 65 минг ўринли касалхоналар, бир сменада 123 минг кишини қабул қиладиган амбулаториялар, поликлиника муассасалари қурилди. Ҳозирги вақтда мактабларимизда ўн миллионга яқин бола ўқийди. Доимий мактабгача тарбия муассасаларида ўн беш миллионга яқин бола тарбияланмоқда. Илмий ходимлар сони салкам бир ярим миллион кишини ташкил этади. Ўзбекистон Фанлар академиясида юзга яқин фан доктори, салкам мингта фан номзоди тадқиқот ишлари олиб борапти. Бутун жумхуриятимиз бўйича эса, икки юз чамаси илмий-тадқиқот институти мавжуд бўлиб, 16 минг илмий ходим фаолият кўрсатиб турибди.

Ҳозир Ўзбекистон олимлари асарларининг учдан бир қисмини чет элдаги илмий муассасалар сотиб олмақдалар. Академиямизнинг кутубхонаси 39 давлатга 6 мингдан кўп нашрларни юбориб туради. Мана бу — бизнинг маънавий бойлигимиз. Биз, айниқса, ана шу бойлигимиз билан фахрланамиз.

Бизда миллат ажратиш йўқ! Ҳамма миллатлар ака-укадек иннок яшайди. Худди бир оиладек бир-бирлари билан ахил, иттифок. Бизнинг шиоримиз дўстлик, ростгўйлик, поклик, одиллик, камтарлик.

Буюк рус ёзувчиси Чехов: «Инсонда ҳамма нарса: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам гўзал бўлмоғи лозим», деган эди. Биз ўз ҳаётимизни ана шу сўзларга қиёсласак бўлади. Энди ҳалиги миш-миш тарқатувчиларга келсак, улар лакма, ё аламзада, қалби кўр одамларнинг иши бу!

— Гап тагини гап очади,— деди боядан бери ўйланиб ўтирган Усмон ҳожи ота.— Кейинги Олмон урушида мен Парижда тижорат билан шуғулланар эдим. Гитлер навбати билан Францияга ҳужум бошлади. Бир ярим ой ичида Франция душманга таслим бўлди. Шундан кейин кўп ўтмай улар Советларга қарши уруш бошладилар. Ниҳоят 4 йил давом этган қаттиқ қирғин урушда Гитлер мағлубиятга учради. Фашистлар Парижга яқиқлашганда халқ ҳаяжонга тушиб қолади. Ўзига тўқ катта бойлар шошилиш равишида уй-жойларини ташлаб, Америкага қоча бошладилар. Франциялик машҳур артист Дидро Дени қочиш олдидан хотини, яқин дўстлари ҳамроҳлигида машҳур жарроҳ, профессор Делакура билан хайрлашиш учун унинг уйига борадилар. Улар профессор Делакурага, бирга кетайлик, деб таклиф қиладилар. Бироқ у очик жавоб бермайди. Дидро Дени қочишга ҳозирлик кўриб, охири тун ярмида профессорга телефон қилади: «Биз кетяпмиз, истасангиз бирга кетайлик», деб илтижо қилади. Бироқ профессор Делакура жавобни қиска қилади:

— Кўзимнинг оқу қораси ёлғиз ўғлим эди, у биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлди. То шу кунга қадар, ўғлим ватан учун қурбон бўлган, деб фахрланиб ўзимга таскин бериб келардим. Мана бугун ватанимиз хавф остида қолди. Бу даҳшатли фожиага асло чидай олмайман. Майли, бора беринглар, ватандан ҳам жудо бўлсам, унда менинг нима қолади?!

Дидро ноилж трубкани қўйиб қўяди ва парохолда кета туриб дўсти профессор Делакуранинг ўзини-ўзи ўлдирганлиги хабарини газетадан ўқиб, хайрон бўлади... Ватанпарварлик шундай бўлади. Шунинг учун мутафаккир шоир Алишер Навоий: «Инсон тирик экан, ўз ватани учун курашмоғи лозим», деган эди. Совет кишилари Ватанни душмандан сақлаб қолиш учун 20 миллиондан ортиқ қаҳрамон ўғил-қизини қурбон берди. Бундай шавкатли Ватанга олқишлар бўлсин. Очиғини айтганда, биз ватандан узоқда бўлдик. Аслида ватанда туриб ватан мудофаасида баравар бир жон бир тан бўлишимиз муқаддас бурчимиз эди. На чора, тақдир экан, биз қўлга қўрол олиб душманга қарши курашмаган бўлсак ҳам, хайрихоҳлигимиз билан ватандошлар сафида турдик. Шунга ҳам шукур қиламиз...

Усмон хожи отанинг гапи тугалиши билан Тўйчи Али бойвачча магнитафон кулоғини бураб сегоҳ мақомидан «Адашганман» куйини қўйди. Ўтирганлар бошларини эгиб жим қолдилар. Шу топда Бобурнинг икки сатрини хаёлан ўқидим:

Ўз ерни қўйиб, Хинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз каролик бўлди...

Мен шу ондаёқ ўз Ватанимни аллақачон соғинганимни ҳис этдим.

1979

МЕНИНГ КАЪБАМ — ВАТАНИМ

Ватаннинг меҳригиёси, ишқ-муҳаббати, жозибаси бениҳоя улғудир, қолаверса дунёда ҳеч бир нарса она тупроқдан афзал бўла олмас керак. Ҳатто жон бериш, Ватанни беришдан минг маротаба осонроқ эканлиги айни ҳақиқатдир. Унга бўлган муҳаббат кишиларда умрбод қолаверади.

Лекин, кишилиқ ҳаёти — жуда мураккаб. Инсонни ҳар турли кунларга дуч келтиради. Шунинг учун бўлса керак: «Онадан бирга туғилиш бору, аммо ҳамма вақт бирга туриш бўлмайди», деган боболарнинг мақоли бор. Бунинг устига мамлакатимизда буюк ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Бутун дунё пролетар доҳийси В. И. Ленин раҳбарлигида Улуғ Октябрь инқилоби вужудга келди. Капиталистик давлат — остин-устун бўлиб, дунёда биринчи пролетар — социалистик давлат қурилди. Ўн кун ичида Ер ларзага келди. Империалистик 14 давлат бир бўлиб, бизга қарши ҳужум қилдилар. Ички ва ташқи кўпоровчилар, зараркундалар, талончилар юрт бошига қайғу солдилар.

Ана шундай оғир кунлар бошга тушганда баъзи иродасиз кимсалар Ватанни ташлаб қочдилар.

Бундай кимсаларни Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Хиндистон, Сурия, Саудия Арабистони, Хитой, Япония, ГФР, Франция, Канада ва бошқа мамлакатнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги эндиликда қилмишларидан пушмон бўлишиб Ватанга қайтишни орзу қиладилар.

Бугунги кунда дунё бўйича қудратли, буюк мамлакатга айланган Совет давлати ватандошларга нисбатан ҳеч қандай гина сақламайди. Уларга ҳамма вақт тинчлик, бахт-саодат тилайди.

1978 йилнинг октябрь ойи охириларида Маккага кетиш арафасида дўстим Жўра кори Бўтакўз бизга ташриф буюрдилар. Қадрдонимизни очик юз билан, хурсандчилик билан кутиб олдик. Чой ичиб ўтирганимизда Жўра кори гап бошладилар:

— Маккага борадиган бўлибсиз, менинг учун жуда ҳам зарур бир илтимосим бор эди, — деди у ийманиброк.

— Қандай хизмат экан, эшитсак бўладими?

— Мени ҳаммадан кўп сиз яхши биласиз. Чет мамлакатларга уч ёшлиқ бола кетиб, ниҳоят Ватанга сочим оқарганда қайтиш шарафига эга бўлдим. Афғонистондалигимда ота-онам ўлиб, тоғам тарбиясида қолдим. Ўша ердаги қўшнимиз, асли қўқонлик Алимжон каллапаз ва унинг рафикаси Ҳамронисо деган аёлнинг беш-олтита болалари билан бирга ўйнаб, бирга мактабга боришиб, худди бир оила фарзанди бўлиб ўсдик. Айниқса, Ҳамронисо она менга жуда меҳрибон эди. Меҳр билан бошимни силаб, ҳатто ўз болаларидан ҳам мени аъло кўрар эди. Ҳозирги кунда Ҳамронисо онамиз 113 ёшда бўлиб, Маккада ўғиллари Маъруфжон билан истиқомат қиладилар. Афғонистон, Туркияда бўлганларида деярли тез-тез кўришиб турардик.



Мана 10 йилдан бери кўриша олмадик. Жондан азиз, меҳрибон онамизга соғ-саломатлигимни билдириб, кичик бир хат, яна хотира учун қўлда тикилган ўзбек палагини ҳада қилмоқчиман. Маккада ёру дўстлар сўраб қолишса, салом айтасиз.

— Бош устига. Хамронисо она каби 113 бахорни кўрган табаррук кишининг зиёратларига мушарраф бўлиш — улуғ ишдир, — деб жавоб бердим унга.

Ўрни келганда, Жўра қори Бўтакўзни қимматли ўқувчиларимизга таништириб ўтишни лозим топаман.

Жўра қори Бўтакўз асли Андижонда туғилган, хорижда уч ёшга борганда ота-онаси ўлиб тоғасининг тарбиясида қолиб, қориликни тугатади. Зийрак, доно, истеъдодли бўлганидан, ҳар нарсани ўзида тез ўзлаштириб, камолотга етгандан кейин мустақил иш қила бошлади. У Афғонистон, Туркия, Сурия, Ирок, Ҳиндистон, Саудия Арабистони ва Эронда кўп йиллар бўлиб, шу мамлакатларнинг ҳуқуқшунослик илмини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Керак бўлганда ҳуқуқшуносликнинг ҳам урдасидан чиққан.

Покистон, Афғонистон, Туркия ва Хитойда яшаганда чақув-туҳмат билан камокка олинган кўп ватандошларни оклаб чиқариб олган. Шарқ давлатлардаги ватандошлар уни ҳақиқий ватанпарвар, Ватан шайдоси деб танидилар. У Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини йигирма минг доллар сарф қилиб ватандошларга бепул таркатган. Бостиришдан олдин икки-уч йил араб ҳарфини қидириб уч-тўрт мамлакатларга борган. Ҳарф топганда ўзбек тилида ҳарф терувчи топилмаган. Ниҳоят, босмахонада ўзи ҳарф терган. Жўра қори Бўтакўз жуда кўп ватандошларининг саводини чиқарган. Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистонида ундан таълим олган кишилардан юзлаб, минглаб учратиш мумкин. Қарийб қирк йил давомида ўн тилни мукамал ўзлаштирган олим.

Чет мамлакатларда юриб, ҳамма қийинчиликларни ўз бошидан кечирди. Капиталистик система халқларни бахтсизлик, бечоралик, хўрликка олиб боришини яхши англади. Фақат социалистик жамиятгина халқларни бахтиёр қилишга хизмат қилади, деб бутун ватандошларни қаерда бўлмасин Ватанга қайтишга ташвиқот-тарғибот қилди. Уйланса ватанга боролмай қолиш хавфида 40 ёшга киргунча оила қурмади. Бундан ўн йил муқаддам Ватанга қайтиб, оила қурди, ҳозир уч фарзанди бор. Бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Тошкентда ватандошлар учун чиқариладиган «Ойдин» газетасида ишлайди.

Қоҳира, Жадда шаҳарлари орқали, ниҳоят Маккага етиб келдик. Икки юз-уч юз минг аҳолиси бўлган Макка, зиёратчилар ҳисобига икки-уч миллион одамга паноҳ беради.

Жаддадан Маккагача бўлган 70 километрлик йўлнинг тикилинчлигидан машинада 15 соатда ўтганимизни айтиш кифоя қилади, деб ўйлайман, зиёратчиларнинг кўпчилигини кўрсатиш учун.

Маккада биз Каъба зиёратида, ватандошларнинг суҳбатида бўлдик. Уларнинг аксарияти бизни эшитиб ўзлари келишар, уйларига таклиф этишарди. Лекин биз уларнинг таклифларини қондирилмасдик. Акс ҳолда меҳмондорчиликдан бўшолмай қолардик. Фақат мен врач бўлганим учун, бировиккита беморларга ёрдам бердим. Улар менга анча-мунчагина пул берганларида олмаганимдан, айниқса, бизнинг мамлакатимизда, умуман, тиб ёрдами бепуллигини эшитиб, жуда ҳайрон қолишарди.

Кўп мусохабалар бўлди.

Бу суҳбатларда биз ўзбек шоирларининг айрим шеърларини мисолга олдик. Истеъдодли ёш шоир Азим Суюннинг мана бу шеъри бизга жуда қўл келди:

ХОРИЖГА КЕТИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКЛАРГА САВОЛИМ

Бир сабаб, бир ихтиёр
Қўлингиздан тутгандир.
Саркаш ўйда бахтиёр
Бир йўл бошлаб кетгандир.

Тасаввур қилиш мумкин:
Бор илохий боғингиз,
Ўйда порлагай, балким,
Сеҳрли чироғингиз.

Балким оқар дарёлар
Эшигингиз қошидан.
Сочилар мол-дунёлар
Фарзандингиз бошидан.

Иқбол оҳанграбоси
Сароб бўлмаган балким.
Бухоронинг тиллоси
Адо бўлмаган балким.

Балким насиб, паридай
Хур қизларнинг нечаси.
Чин тириклик сувидан
Балким ҳар кун ичасиз.

Тасаввур қилиш мумкин:
Унутилган она юрт...
Унутмагансиз, балким,—
Имонингиз нондай бут?

О, шундай бўлса, бир зум,
Менга қулоқ солгайсиз:
— Ўзбекистонсиз, айтинг,
Қандай нафас олгайсиз?

Мухолиф чет эл радиостанцияларида ўзбеклар номидан гапирувчи ғай-
римиллат вакилларига қарата айтилган шоир Аскар Қосимовнинг мана бу
шеъри ҳам ватандошларга маъқул тушди:

СЕН КИМСАН?

Мухолиф чет эл радиостанцияларига савол

Меросхўрлик қилмоқдасан йирокдан,
Аммо сени деёлмайман: бегимсан...
Қўнглинг озор топиб шу чок фирокдан,
Радиодан юрт йўқлайсан, сен кимсан?!

Хўп, танитай сенга дарҳол ўзимни,
мен — Асқарман, инқилобий ўзбекман.
Ҳа, бу менман — йўқотмадим сўзимни,
Ўз юртимга ўзим қошу кўздекман.

Ха, бу менман, хар соатда, хар онда
Инсонларга ризк-насиба улашган.
Ха, бу менман, мафкуравий майдонда
Ўз халким, деб, ўз юртим, деб курашган.

Ха, бу менман, сўздан оппок бўз тўкиб,
Коронғуга либос қилиб кийдирган!
Ха, бу менман, минбарларда шеър ўқиб,
Тошдан каттик юракларни ийдирган!

Ха, бу менман, уфирсин, деб гул иси
Тупроғимга гул-кўчатлар ўтказган!
Ха, бу менман, менки, иқбол жарчиси,
Бахт барини авлодларга тутказган!..

Ха, бу менман, Ер кифтига тўн ташлаб,
Белларига шойи кийик боғлаган!
Ха, бу менман, жаҳон ичра энг бошлаб
Аклини зўр курашларга чоғлаган...

Меросхўрлик қилмокдасан йироқдан,
Аmmo сени деёлмайман бегимсан.
Кўнглинг озор топиб шу чоқ фирокдан,
Радиодан юрт йўқлайсан, сен кимсан?!

Нихоят, бир куни Жўра қори айтган Ҳамронисо онанинг ўғли Маъруф-
жон таклиф билан келди...

Пешин вақти, кун жуда иссиқ, машинада нафас олиш яна оғирлашди. Ос-
мон бутунлай тиник — кўм-кўк, мусаффо. Тангадек ҳам булут йўқ. Кўчалар
одамлар билан лик тўла. Бир соат уриниб, хайрият, бир оз четрокка чиқиб
олдик. Оғзим куриб, томоғим қакраб тоқатсизлана бошладим. Маъруфжон
ҳожии кока-кола деган сувдан олиб ичкизди. Кўз тиниши тўхтади. Юзимдан
оққан терларни артар эканман, шу қадар иссиққа қандай чидаш бериш
мумкин, деб сўради.

— Бошга тушганини кўз кўради деганлар. Кўнмасликнинг иложи қанча?!
Ўзга юрт. Ватансизлик. Мусаффо ҳаво, кўм-кўк дарахтлару майса-ўтлар,
чаман гуллар, шарқираб оққан сувлар, ширин-шакар мевалар, ширинликда
тилни ёрадиган қовун, тарвузлар Ватанда қолди. Шунинг учун ҳам бечора
онам 50 йилдан бери Ватан деб қон йиғлайди. Бизда нима бор? Кўриниб
турган чўл-биёбон, унда-бунда хурмо дарахти, тикан еб кун кўраётган туя-
лардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Худо бандасига сабр-қаноат берар экан. Бўлма-
са киши...

Гап билан бўлиб анчагина йўл юриб қўйганимизни сезмай қолибмиз.
Машина бир эшик ёнига келиб тўхташи билан, у ерда тўдалашиб турган
бир талай болалар бирдан бақириб юборишди. Машинадан чиқар эканмиз,
улар кўриша кетдилар. Ичкаридан яна ўн беш-йигирма катта-кичиклар
чиқиб саломлашиб «Хуш келибсизлар!» деб кўришдилар.

— Булар онахонимизнинг фарзандлари, — деб таништирди Маъруфжон
Ҳаммамиз гурунглашиб ичкарига кирдик. Остонадан бошлаб оёқ остига
узун поёндоз солинган эди, мени шу поёндоз устидан юрғазишди. Ҳовли
хотин-қиз, ёш-яланг, эркаклар билан лик тўла. Кўришувчилар табаррук
қилган бўлиб, устимдаги ихромнинг бурчини ушлаб ўпар эдилар. Бир вақт
узун оппок кийим кийган, бошига оқ рўмол ўраган Ҳамронисо она, тўғримдан
икки қўлтиғида икки аёл билан, секин-аста юриб келарди. Она қаршисига
келиб, бош эгиб салом бердим.

— Ваалайкум ассалом, хуш келдингиз, азиз Ватанимнинг табаррук меҳмони! — деган юмшоқ, илик товушни эшитдим. Она икки кўллари билан бошимни ушлаб пешонамдан ўпдилар.

Дуога кўл кўтаришлари билан жам бўлганлар кўлларини кўтардилар. Ватанга шон-шараф тиладилар, тинчлик-омонлик сўралди.

— Жонликка аталган кўйни бўғизлашга фотиҳа беринг, — деди кимдир кўпчилик орасидан. Фотиҳага кўл кўтарилиши он, олдиндан ҳозирланган кўй бўғизланди.

Она бошлиқ катта уй томон йўл олди. Қирк-эллик киши кетадиган каттагина меҳмонхона, кип-қизил гиламлар ёзилган, ўртада катта хонтахта бўлиб, атрофига шоҳи кўрпачалар, пар ёстиклар қўйилган. Хонтахта турли нознеъматлар, ширинликлар билан безатилган. Апельсинлар ва Тоиф Шарифдан келтирилган анорлар кўзга ташланди.

Махсус тайёрланган икки қаватли баҳмал кўрпачага пар ёстик қўйилган. Ҳамронисо онамиз ўтирдилар ва ёнларидан менга жой бердилар. Бола-чақалар билан уй лик тўлди. Она меҳмон шарафига узок фотиҳа килдилар.

— Доктор афанди! Ўтирганларнинг ҳаммаси онахонимизнинг фарзандлари, — деди Маъруфжон хожи. — Ҳали ҳаммалари етиб келишганлари йўқ. Агар ҳаммаси жам бўлишса, иккита катта уйга сиғишмайдилар. Онамнинг фарзандлари юздан ошадилар. Кичикларни кўрсалар ҳатто таниёлмай қоладилар. Санаб ҳисобига етолмайдилар.

Ҳамма ўтирганлар онага қараб кулишди.

— Энди менинг ишим йўқ. Бахтимга омон бўлишса бас. Илойим умрлари узун бўлиб, ҳаммаларига менинг ёшимни берсин. Охирги ва ягона тилагим Ватанга етиб олиш. Ватан тупроғини ўпиб кўзга суртиш. Гуноҳларимга кечирим сўраб, омонатимни топшириш.

Шу вақт кўлларга сув келтирилди, нонлар ушатилиб, дастурхонга таклиф қилишди.

Меҳмондорчилик орасида ҳол-аҳвол сўрашдик, она Жўра қори Бўтакўзнинг ҳол-аҳволини муфассал сўраб чиқдилар. Мен унинг мактубини топширдим. Она кўлимдан хатни олдилар-да, уч марта ўпиб ёшли кўзларига суртдилар. Шу ондаёқ конвертни очиб, ойнаксиз, тезликда ўкиб чиқиб, «алҳамдулло, яхши экан, узок вақт хабар бўлмай, каттик кайғурган эдим», дедилар.

Она соғингандан бўлса керак, хатни уч марталаб ўкиб чиқди.

— Жўра қори ҳам менинг фарзандим. Барча болаларимнинг сараси эди. Вафодор, Ватанига, халқига садокатли йигит. Пок она сутини эмган. Она сутини ана шу Ватанга бўлган садокати билан оқлади. Ниҳоят Ватанга бориб, халқ хизматида. Мен ундан мингдан-минг розиман. Туккан онасини худо раҳмат қилсин Она рози худо рози. Худо ҳар кимга ҳам Жўра қоридек фарзандни ато қилсин.

Мен Жўра қори бериб юборган, кўлда тикилган девор палакни топширдим. Она юм-юм йиғлаб, кўзларига қайта-қайта сурди.

— Жўра қорига ҳам раҳмат, олиб келганингиз учун сизга ҳам раҳмат. Бу палак биздек ғарибларга жуда ҳам табаррук. Маккада ҳеч кимда йўқ. Ҳар бир набира, авара, чевараларимни турмушга чиқарганимда палакни кўшиб узатаман. Палак бахт бошлаб боради. Қизлар туп қўйиб палак ёзадилар. Ўлганимда Ватандан табаррук қилиб тобутим кетидан ёптираман, раҳмат болам. Мени бир дунё шод қилдингиз. Қизларни узатганда палак эмас, атлас кўйлак ҳам топилмайди.

Кейин онага ўзимизнинг ва делегациямиз раҳбари Юсуфхон домланинг пахта гуллик чойнак, пиёла ва косаларини такдим этдим.

— Азиз Ватанимнинг ажойиб совғалари. Менга Ватанимни кўтариб келгандек бўлдингиз, ташаккур. Энди тоғанлар сизларга Ватан аҳволла-

рини гапириб берсалар, яхшилаб кулок солинглар,— деб менга карадилар. Мен республикамининг бугунги ахволи, босиб ўтган йўли, хўжалик, маданият соҳасидаги ютуқлари ҳақида гапирдим. Инкилоб, инкилобнинг моҳияти, Ленин даҳоси, Лениннинг биринчи декретлари, уларнинг қандай амалга оширилганлиги ҳақида батафсил сўзладим.

Айниқса, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли эканликлари, 18 ёшга тўлмагунча қизларни зўрлаб турмушга чиқармаслиги, ҳамма нарса ризолик асосида бўлишини айтганимда, ўтирган қизларга жон киргандек бир-бирларига қараб, чеҳралари очилди. Мен яна давом этдим:

— Уйланиш, қиз узатиш ўзимизнинг урф-одатлар сақланиб қолган ҳолда, никоҳланиб, катта тўй-томоша, карнай-сурнайлар билан ёр-ёр айтиб ўтказилади.

Эшитиб ўтирган қизлар, бир-бирларига қараб, қандай яхши экан, деб кулимсираб кўйишди.

— Хотинни уриш, ҳақорат қилиш қонун бўйича ман қилинади. Хотин устига хотин олиш йўқ қилинган. Бир эркакка бир хотин.

— Бу қонунни ҳам Ленин чиқарганми? — сўради она.

— Инкилобнинг биринчи қунидан бошлаб Ленин имзо чеккан ҳужжатларда тўлиқ кўрсатилган.

— Лениннинг отасига минг раҳмат! Ленин йўли абадий яшасин! — ўтирганларнинг ҳаммаси шодланиб чапак чалишди.

— Бизларда эса, тўрт хотинни ушлаб турган эркаклар кўп. Бечора хотинлар. Жўра қори бостириб чиққан «Ўтган қунлар» романида Қумуш биби кўзи ёриб ётганда, қундоши Зайнаб аталага заҳар қўшиб Қумушни ўлдиради. Қундош балоси ёмон бўлади. Илойим хотин устига хотин олган ҳам, қундош ҳам ўлсин. Шундан ўтиб, ўғилларимга, умуман ҳамма авлодларимга қиладиган насиҳатим битта: хотин устига хотин олсалар, мен рози эмасман. Ўлганимда ҳам гўримда тикка тураман.

— Ҳамма иш билан таъминланган,— деб сўзимни давом эттирдим.— Биронта ишсиз одам йўқ. Халқ турмуши фаровон. Ёйиш-ичиш етиб-орғади. Ҳар йили ўн минглаб одамлар давлатдан бепул уй-жой билан таъминланадилар.

Фақат Ўзбекистон ўзида ишлаб чиқарган маҳсулоти билан ер юзида 80—90 та давлат билан савдо-сотик билан алоқа қилади. Ўзбекистонда етишган олий маълумотли ўғил-қиз ёшлар ҳатто Европа ва Шарқ мамлакатларига бориб, ёрдам берадилар.

— Бизда сиз айтган гапларнинг биронтаси ҳам йўқ ва айтишмайди. Кўпинча ёмонлаб ёзишади,— деди Маъруфжон хожи.

— Рост гап тикондек ботади. Буларга шундай — ёлғон гапиргани маъкул. Совет давлати тинчлик, ишчи-деҳқон, заҳматқашлар мамлақати. Омад совет давлатида. Иншоолло шундай бўлади.

Шу пайт суюқ ош келтирилди. Онанинг кўзи мен келтирган пахта гулли косага тушиб:

— Эллик йилдан бери Ватан косасида биринчи марта ош ичишим. Ўзимга ярим пиёла ош етади. Ватан ишқи билан энди ҳаммасини ичаман,— деди.

Ҳаммада қулги бўлди.

— Агар Ватанни хурмат қилсангиз, албатта ичиб қўясиз,— деб қулди Маъруфжон.

Кўпчилик ош ичсалар ҳам, фикр-хаёллари баён қилинган ватанда эди. Болалардан беш-олтитаси Ватанга бориб, ўқиб, врач бўлишга ҳозир бўлишди.

«Қай бирларинг яхши ўқисанг, уни юборамиз»,— деди она. Болалар хурсанд. Ҳозир кетаётгандек қувонишди. Ошни қандай тез ичганларини ўзлари билмай қолдилар.



Овқатдан кейин Ҳамронисо она дастурхонга фотиҳа бериб, ҳаммалари бошқа уйга чиқишларини сўради. «Меҳмон афанди чарчадилар. Энди бизни холи қўйинглар. Маъруфжон қолса бас. Чой бериб туради».

Ҳаммалари уйдан чиқишди.

— Қўпчилик билан ортик ўтиролмаيمان. Бошим айланиб, кулоғим шангиллайди. Гапимни йўқотиб қўяман. Қўпчиликда гап-гапга ковушмайди. Дунёда ғарибликдан ёмони йўқ экан. Биз илгари билмас эканмиз. Қариганда ёмон сезилади. Ҳамма ватандошларнинг асосий кемтик жойи — ватансизлик. Ўз она тилингда мактаб бўлмаса, китоб-газета бўлмаса. Кино-театр, ҳуқук йўқ. Одам бўлиб сонда бўлмасанг, ўлик бўлиб гўрда бўлмасанг. Аро йўлдамиз!... Афғонистонда яшаган вақтимизда ўзбек болаларининг саводсиз қолишидан қўрқиб, Қобулда ўз ёнимдан мактаб очтирдим. Муаллим ёллаб, ойлик пулини тўладим. Уйимда бўлса ўзбек қизларини ўзим ўқитдим. Орадан уч-тўрт йил ўтгандан кейин ифлос кишилар душманлик қилиб, чақув билан муаллимни каматишиб, мактабни ёптиришди. Ўзимиз бўлсақ иш кидириб, Туркияга ўтдик. Туркияда ҳам бир бурда нонни топиш қиёматдан қийин экан. Шунинг учун ҳам боболаримиз: «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу», деган эканлар. Ноилож ўн беш-йигирма йил Истамбулда туришга мажбур бўлдик.

Абдуллажон Туркияда истиқомат қилиб қолди. Эзмалик қилиб сизни зериктириб қўймадимми? Ватан ишки, ватансизлик мени савдойи қилиб қўйди. Гапириб юрагимни бўшатаман... Айтмоқчи, бир қизиқ воқеани айтиб бераман. Оллоху аълам, бундан йигирма йил олдин бир кулоғимга Ўзбекистондан Мисрга Мукаррамахоним бошлик артистлар келиб, концерт бериш хабари эшитилди. Эшитиб, юрагим уриб кетди. Тезлик билан ўғлим Маъруфжонга бола югуртириб дўкондан чақиртириб келдим. Воқеани унга тушунтирдим. «Мукаррамахонимни кўриб келаман. Ғурбатда юрагим қон бўлиб кетди. Бормасам ўламан», деб туриб олдим. Билетга деб қўлига пул тутқаздим. Ўзимизнинг машинада Жаддага бориб, Жаддадан Қоҳирага билет оламиз. Маъруфжоннинг оғиз очишига қўймадим. Агар мен она бўлсам, сўзимни қайтармайсан, деб туриб олдим.

Шу куни кечкурун Қоҳирага эсон-омон етиб келдик. Меҳмонхонага жойлашдик. Юрагим ошиқиб, кечаси билан тонг отишини пойлаб, ухлаёлмай чиқдим. Наридега чой ичиб, Маъруфжонни билет олишга юбордим. У икки соат йўқ бўлиб кетди, бир вақт бўшашиб, билетсиз қайтиб келди. Одамлар, билет сотилиб бўлганига бир ҳафта бўлди-ю, сиз энди келдингизми, деб қулишибди. Дикқатим ошиб, мен ҳам ўйланиб қолдим. Бошимга ақлли бир фикр келди. Совет элчихонасига бориб ўзимни таништираман. 90 ёшда бўлишимга қарамасдан, икки ярим минг километр масофадан Ватан ишқидега ёнган, ғариб ватандош келади-ю билет бўлмаса. Шу гапларни айтиб, йиғлаб туриб олишни қасд қилиб, Маъруфжон билан совет элчихонасига йўл олдим. Элчихонада 25 ларга кирган ўзимизнинг бир ўзбек йигити очик юз билан, меҳрибонлик билан қабул қилди. Қўлимизга чой узатиб, қандай хизмат бор, деб сўради. Мен ўзимни яхшилаб таништирдим. Маккадан келганимизни, билетлар сотилиб бўлганини, ноилож қолиб сизлардан ёрдам сўраб келганимизни, бошқа арзимиз йўқлигини айтдим.

— Сизлар ўтириб туринглар, мен ҳозир келаман,— деб чиқиб кетди ва бир оздан кейин бизларни элчининг олдига бошлаб кирди. Катта уй, ўртада узун қизил гилам, тўрда Лениннинг сурати осифлик. Уйга киришимиз билан тўрдаги стулда ўтирган элчи ўрнидан туриб, биз билан самимий кўришди. Чой қуйди, ҳол-аҳвол, соғлик-саломатликни сўради. Олиб кирган йигит таржимон бўлиб турди. Мен ҳамма гапни айтиб, юрагимни бўшатдим.

— Ёшингиз тўқсонга борса ҳам санъатга ишқибоз экансиз-да,— деди қулиб.

— Ватан ишқ-муҳаббати бошлаб келди.

— Раҳмат, онажон! Мен ҳозир ҳаммасини битираман,— деб бир варақ коғозга бир нималар ёзди, хатни конвертга солиб,— мана бу йигит сизларни бошлаб Мукаррамахон олдига олиб боради. Сизлар ҳозирдан бошлаб Мукаррамахоннинг меҳмони бўласизлар.

Мен, кўрсатилган илиқ қабул учун ташаккур билдирдим. Идорадан чиқа туриб:

— Кўрдингми, совет давлатининг олижаноблигини, — дедим ўғлимга. — Бўлмаса элчи биз билан гаплашадими? Биз киммиз? Ҳисобда йўқ, ватансиз бир ғарибмиз, холос.

Ховлига чиқиб, олдига қизил байроқча тикилган узун қора машинага ўтказишди. Таржимон йигит билан Мукаррамахон тўхтаган меҳмонхонага келдик. Йигит бизларни машинада қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетди. Оз вақт ўтмасдан товусдек қоматли, устида атлас, бошида ироқи дўппи, очик юзли чиройли жувон бизлар билан сўрашди. Қўлимдан ушлаб, ичкарига олиб кирди. Беш-олтита ўзбекча кийинган қизлар қарши олиб қучоклашиб кўришдилар. Хурсанд бўлганимдан юрагим ёрила бошлади. Икки кўзимдан оқиб тушган ёшни артиб улгуролмай қолдим. Яна кетма-кет қизлар келиб кўриша бошлади.

— Кечирасизлар, азиз ватан меҳмонлари, қайси бирларингиз Мукаррамахон бўласизлар? — деб сўрадим.

— Мен бўламан, онажон,— деди биринчи чиққан товусдек қоматлик жувон келиб, яна мен билан қучоклашиб қайта-қайта юзимни ўпди. Майин, нозик, оппоқ ипакдек юмшоқ қўллари билан тўзғиган, оқарган сочларимни силади. Атлас кўйлак, ироқи дўппи, қалам қош, узун киприк, кийик кўзига ўхшаган куралай шахло кўзи чакмоқдек ёниб турарди. Қизил юзлари ой жамолини эслатади. Тишлари садафдек оппоқ терилиб турарди. Оёғида бежирим кафш. У ҳақиқатан осмондаги юлдуз, ер фариштаси эди. Мукаррамахоним мени ўзига мафтун қилди. Кўнглим тўлмай Маккадан олган хина, сурмаларни тақдим қилдим. Жуда хурсанд бўлди. Гўё боши осмонга етди. Шу он сурмани кўзига суртиб: «Онажон, кўрдингизми, сурма менга кетар эканми?» — деди қулиб. Бошим осмонга етди.

Яхшилаб овқатландик. Концертга машинада бирга кетдик. Мен билан ўғлим Маъруфжонни энг яхши жойга ўтказиб қўйишди. Концертдан кейин ҳам ўзимиз бирга олиб кетамиз дейишди.

Бир неча минг одам кетадиган катта концерт зали томошабинлар билан лик тўла. Концерт ҳар қандай мактовдан ортик эди. Қизлар ўйинга тушганда тасаннолар айтар эдингиз. Базми жамшид ҳам бугунги ўйиннинг олдига тушолмас эди. Охирида Мукаррамахоним якка ўзи тановар раксига тушди. Бутун зал оёқка туриб, давомли қарсақлар билан қарши олди.

Томошадан кейин бизларни меҳмонхонага олиб бориб, бошлик билан гаплашди.

— Булар менинг ватандош меҳмоним. Меҳмонхона кираси, емак-ичмак, овқатлар ҳаражати менинг устимда. Фақат яхшилаб меҳмон қилишингизни илтимос қиламан,— деб хайрлашиб чиқиб кетди.

Мана кўрдингми, олижаноблик, ҳақиқий одамейлик, ўғлим,— дейман Сен бўлсанг ўз пулимга ҳам Маккадан зўр-базўр олиб келдинг. Ватанни нима учун севганимни тушунган бўлсанг керак?

Улар, ҳатто менинг шарафимга ресторанда катта зиёфат беришди. Бутун зиёфатнинг марказида бўлдим. Истаган куйимни чалишди. хоҳишимга қараб, Мукаррамахон «Тановар»га ҳам ўйнаб берди. Тўрт-беш кун хушчакчаклик билан ўтди. Кетар кунимиз Мукаррамахон бир қанча қизлар билан кузатиб хайрлашди. Мукаррамахонимга боғланган меҳр-муҳаббатим ҳамон юрагим-

да сакланади. Йигирма йилдан бери кўз ўнгимда, худди тушимдагидек жилваланади...

Шу пайт Маъруфжон хожи ош тайёр бўлганини хабар қилди.

— Гап билан бўлиб, доктор афандини ҳам оч қолдирдим.

Катта лаганда палов олиб келишди. Палов жуда ҳам яхши дамланган эди.

— Энди, мен 113 баҳорни кўрдим,— гапида давом этди Ҳамронисо она,— ҳамон ақлим расо. Ёшимга қараганда ўзимни яхши сезаман. Ватанни соғинган чоғимда Нодирабегим, Бобир ғазалларини ўқийман. Туркияда бўлган вақтимда Жўра қори олтин пулга ўзбек макомларини сотиб олиб, менга ҳадя қилар экан, йўқотманг, ватанни соғинганингизда сиз билан дардлашади, деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Фақат макомлар жонимга ором беради. Болалар ўсди-унди. Алҳамдуллило, дунё ҳам етарлик. Аммо ҳеч нарса юрагимга сиғмайди. Бир нарса етишмай туради. У ҳам бўлса — Ватан. Бош ўғлим Абдуллажон ҳозир 85 ёшга кирди. Истамбулда истикомат қилади. Ҳар икки-уч йилда мени кўргани Маккага келади. Ҳар келганда ялиниб-ёлбораман, мени Қўқонга олиб бориб қўйгин, деб. Хўп бўлади, дейди-ю, бир баҳона топиб яна Истамбулга кетиб қолади.

Ўтган йил келганда Қўқонга мени олиб бориб қўясан, деб қаттиқ туриб олдим.

— Онажон, қаерга кетасиз. Макка — ер юзида мусулмонлар учун энг азиз, энг муқаддас жой. Шундай азиз жойни ташлаб қаёққа борасиз? — деди.

Менинг жаҳолатим ошди. Икки кўзим ёшга тўлди. Ким истаса қолаверсин. Билиб қўй: Менинг қаъбам — Ватаним. Она юртим, ватаним Қўқон Қўқонда ўламан. Кўпларинг ўзларингга жаннат кидириб юрибсизлар. Жаннат онангинг оёғи остида. Аввал мен рози бўлишим керак. Менинг розилигим — азиз, муқаддас Ватанга кетиш — у ерда омонатимни топшириш!..

— Доктор афандим,— деди Ҳамронисо она хайрлашар чоғимда,— сиз ҳам менга бола бўлиб қолдингиз. Сиздан яширадиган ҳеч нарсам йўқ,— у ёстиқ тагидан халтага солинган бир нарсани олди.— Шу халтада кафанга ўралган сочим бор. Жўра корига етказиб беринг. Жўра қори мени она деб билса, Қўқонга олиб бориб, Нодирабегим қабри ёнига қўйсин. Агар имконият бўлса «Ғурбатда ғариб — Ватан доғида ўлган Ҳамронисо қабри», деб ёзиб қўйса бас. Жасадим Маккада қолса ҳам, руҳим азиз Ватанда бўлади

Гулни олтун жом аро қўйса назарда жилвагар,
Кўнгли хоҳиш айлагай у тикан бирла тупроғини.

Ҳамронисо она ғазални ўқиди-ю, йиғлаб юборди.

1981

БИЗНИНГ ҲАМ ВАТАНИМИЗ БОР

Узоқ йиллардан буён ватандан ажраб қолган ватандошларни учратиб, улар билан кўнгилли суҳбатлашишнинг ҳам завқи бор.

Маккага навбатдаги боришларимизнинг бирида суҳбат чоғи мезбонимиз Зайн Қушак:

— Доктор соҳиб, сизни эшик олдида бировлар йўқлаяптилар,— деди.

Мен, булар ким бўлди экан, деб эшикка чиқдим. Қора чодрага ўралган бир хоним бир кичкина қизча билан турибди. Етиб боришим билан салом берди, мен алик олдим.

— Доктор соҳиб, сиз мени танимагандирсиз?

Мен хайрон бўлиб турган эдим, унинг ўзи сўз бошлади:

— Мен Каримхожининг кизлари Аминахоним бўламан.

Қайтадан ҳол-аҳвол сўрашиб кетдим.

— Ўзим ҳам бугун кечки пайт хожи акамнинг олдига бормоқчи бўлиб турган эдим. Сиз олдин келиб мени уялтирдингиз. Қалай, хожи акам саломат юрибдиларми?

Аминахонимнинг очик чехрасини бир зумда маъюслик қоплади. Кўзларидан ёш чиққани сезилди. Мен ўзимни ўнғайсиз хис этдим.

— Тинчликми, нима гап ўзи?

— Дадамлар бандаликни бажо келтирганларига олти ойдан ошиб қолди, доктор соҳиб.

— Эвоҳ, сизларга сабр берсин.

— Аввал келганингизда кўрган уйларингиз аллақачон сотилиб кетди. Ҳозир бошқа кичкинагина ҳовлида ижарага турамиз. Бу окшом вақтингиз бўлса... Мен ўзим келиб олиб бораман, сиз адашиб юрманг. Уйимиз шаҳардан анча йирок, топишингиз қийин.

Кеч соат олтиларда Аминахоним яна шу қизча билан бизнинг меҳмонхонамизга келди.

— Кечирасиз, машина топа олмадим, пиёда боришга тўғри келади,— деди хижолат бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ, мен пиёда юришни яхши кўраман,— дедим.

Шу куни Карим хожининг уйига бора туриб, у билан биринчи бор Маккада учрашганимда бўлган суҳбатлар ёдимга тушди. Бунга ҳам қарийб ўн йиллар бўлди. Шунда у ўзини бизга таништириб бошидан ўтган саргузаштларни, азиз ватанини нақадар соғинганини гапириб берган, юртимнинг исини олиб келдинг деб туриб, бошдан-оёқ кийимларимга тикилган, сезилар-сезилмас либосимга кўлларини суртиб ўпиб қўйган эди. То Маккадан жўнаганимизча у кечаю кундуз бизлар билан бирга бўлди, ёрдамлашди. Кетишимиздан бир кун мени холи топиб шундай деганди:

— Сиз билан яна кўришамизми-йўқми, буни оллоҳ билади. Юрагим дардига малҳам бўлармикинсиз деган андишада сизга айтиб қўймоқчиман. Мен Ватаним олдидаги гуноҳимни қандай ювишни билмайман. Андижонда қолган хотиним, ягона бош фарзандимга бепарволигим юзимга қора чодирини ёпди. Ўтган йили улардан хабар топдим. Сизга ўхшаб келган қариндошлардан сўроқлаб билдим. Бу ёқларга жўнаганимда уларни худо йўлига ташлаб кетдим, хотишим йигирма беш ёшда эди, кизим Ҳалима бир ёшда эди. Бечора хотиним Санобар шу кунгача тик этса эшикка қараб турар эмиш.

— Қайтишни ўйлаб кўрмоқчимисиз?

— Она юртга қайтишни дейсизми? Нега ўйламас эканман. Албатта ўйлайман. Эй воҳ, шу тўғрида гап очилса, юрак-бағримга ўт тушади. Билмайин босдим тиканни, тортадурман захрини. Мана, умрим ҳам адо бўлиб боряпти. Жабрини ҳам тортяпман. Юртма-юрт саргардон юриб анча вақтни ўтказиб юбордим. Бугун бўлмаса эртага ватанга қайтаман деган умид билан кўп йиллар ўйламасдан юрдим. Бу орада, ўзингиз биласиз, Жаҳон муҳорабаси бошланиб кетди. Ўттиз ёшимда юртимдан жудо бўлсам қирк уч ёшимда янги рўзғор қилишга мажбур бўлдим.— Карим хожи ўйчан қиёфада бўйинини ҳам қилиб ўтирарди. У ўша пайтда она юртининг исини сўнгги бор олаётганини ўйлаётганмикин. Ёки бегона юртларга кетиб қолиб қилаётган пушаймони ёдига тушганмикин. Ҳар ҳолда Карим хожи хасрат дафтарини варақлай бошлади. У Маккада яшаб турган йиллари кам ҳаржлик важдан жуда қийналибди. Ўйлаб-ўйлаб машҳур тошкентлик Исҳокбек хожи ёнига нажот истаб борибди. У Карим хожини совуққина қутиб олибди.

— Шунақами, қийналиб қолдингизми? Хўш, мен ҳам кўриб турибсизки,

тўлиб-тошиб ётганим йўк. Бир амаллаб тирикчилик қилиб турибман.

Исҳоқбек ҳожи кўзларини қисиб Қарим ҳожига зимдан назар солиб кўйди. Қарим ҳожини ҳақиқатан ҳам ночор ахволда кўриб уни ўзига тобе қилиб олиш режасини тузади.

— Майли, қийналиб қолибсиз, ҳар ҳолда бир ватан фарзандимиз, қўлимдан келганича ёрдам бераман. Биз ватандошлар бир-биримизга ёрдам бермасак, ким ёрдам беради.

— Ташаккур, ҳожи афандим, бир умр эсдан чиқармайман.

— Гап бундай,— сўзида давом этади Исҳоқбек ҳожи,— таниш-билиш, ошна-оғайни қилиб беш-ўн минг лира пул топасиз. Мен бўлсам кўпроқ кўшаман. Дўкон очамиз. Беш йиллик фойданинг учдан икки қисми сизники. Кейинроқ бориб арра қиламиз. Ҳозирча қўлимдан келадигани шу.

— Раҳмат, ҳожи ака, фарзандларингиз муборак қўлларингизни ўпишади.— Қарим ҳожининг овози титраб, кўзларига ёш келади.— Сиз бизга мурувват қўлингизни чўзсангиз сизга олло-таоло мурувват қилсин.

Қарим ҳожи бошлаб ҳовлисини сотади, қолганига таниш-билишларидан қарз олиб ўн минг лирани тўплаб «марҳаматли» Исҳоқбек ҳожига олиб бориб топширади.

Қарим ҳожининг уйига боргунча унинг Исҳоқбек ҳожи билан бўлиб ўтган суҳбати кўз ўнгимдан ўтиб турди. Аминахоним «келдик»,— деди бир маҳал бир чолдевори кўрсатиб. Бизнинг уйимиз ҳам шу, меҳмонхонамиз ҳам шу, деб томдан кун тушадиган хонага олиб кирди. Марҳумнинг хотини эндигина кир ювиб бўлган экан. Чурук кўрпача солинган уйга таклиф қилишди. Қарим ҳожини эслаб, фотиҳа ўқидик. Чой-нон қилишди.

Қарим ҳожининг ўлганларидан бутунлай хабарим йўқлигини айтдим. Гоҳо-гоҳо хат ёзишиб турардик. Кейинги хатларида қизлари катта бўлаётганини, иложи бўлса Марғилон атласидан юборишимни сўраган эдилар. Шуни айтиб икки кийимлик атласни олдиларига кўйдим.

— Раҳмат, афсуски, бу совға атласларни ўзлари кўрмадилар,— деди қизларнинг онаси,— кўрганларида юраклари қок ёрилар эди суюнганларидан.— Дунё бевафо экан.— Маккага келиб бир кун ҳам ёруғлик кўрмадилар. Ҳали у, ҳали бу, доимо ғам. Бу ерларда қўлингизда пул бўлмаса бир иш қилиб бўлмас экан. Ҳамма иш пул билан. Ҳатто пулсиз одамни одам ўрнига қўшмайдилар. Қиладиган бир иш ҳам йўк. Йўқчилик қурсин. Аминахонни ҳам ўн тўрт ёшга етар-етмас турмушга бердик. Ўғиллар бўлса, кишилар уйда хизматчилик қилади. Ёшликда меҳнатда бўлиб, ўқий олишмади. Мен бўлсам, келган-кетганларнинг кирини юваман. Бойлар болаларини пул билан хорижга юбориб ўқитишади. Қарим ҳожи бўлса болаларининг ўқиёлмаганидан жуда хафа бўлар эдилар. Аммо ҳаммамизни уй ичйда ўзбек тилига ўргатдилар. Ўзимизнинг она тили. Тилини йўқотган киши, ватанини ҳам йўкотади. Шунинг учун ҳаммамизни уйда бўлганимизда ўзбек тилида гаплашишга ўргатдилар, худди ўзбек тилини йўқотишимиз билан ватанни йўқотишдек туюларди.

Исҳоқбек билан дўкон очишиб, беш йилда бир оз фойда қилган бўлди, кейинги беш йилда дўконга ўт кетди қилиб биз бечораларни оч-яланғоч қолдирди. Қарим ҳожини бу ғам адои тамом қилди.

— Марҳум отам ўлишларига уч кун қолганда ҳаммамизни олдиларига чақириб шундай деб васият қилдилар,— деб гап бошлади Аминахоним.

«Азиз болаларим, мен ҳаётимда бир вақтлар яхши кунларни кўрдим. Андижонда кооператив дўконда бош бўлдим. Уйландим. бир қизим бор эди. Турмушларимиз фаровон эди. Шайтон васвасаси билан она юртдан ажрадим. Бу ерга келганимдан кейин қўлимда бир нарса бўлмади. Мана, охири худо сизларни берди. Бу ерда сизларнинг бирон ишларни қилиб кетиш-

ларингизга ақлим етмайди. Ҳали ҳам бўлса ўз ватанларингизга қайтинглар. Андижонда Халимахон деган қизим қолган. Борсанглар ҳеч вақт кўкракларингиздан итармайди. Киши бегона юртда шоҳ бўлганидан, ўз юртининг гадоси бўлгани яхши, деган гап бор. Менинг гапим шу». Орадан бир кун ўтгандан кейин вафот этдилар.

— Мен қайтгач, отангизнинг васиятини Халимахонга етказаман,— деб ваъда бердим.

— Бу яхшилигингиз биздан қайтмаса, оллоҳдан қайтсин,— деб Аминахоним миннатдорчилик билдирди.

Тошкентга қайтгач, Андижондан Халимахонни чақиртирдим. Аминахон берган майда-чуйда совғаларни опасига топширдим. Отасининг вафот этганини айтдим.

— Отамнинг дийдорини ҳам кўра олмадим,— деб йиғлади Халимахон.— Аввал онамдан, энди отамдан ажраб, ёлғиз қолдим. Ёшлигимда интернатда ўқиб катта бўлдим. Кейин колхозда ишладим. Турмуш ўртоғим муаллим. Мен колхоз сигирларини соғаман. Беш боламиз бор. Уч қиз, икки ўғил. Бош қизим колхозда механизатор. Меҳнат қаҳрамони. Кейинги қизларим муаллимлик қилишади. Ўғилларим шофёр, колхоз машинасини ҳайдашади. Турмушимдан розиман. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Синглим Аминахон бизникига келишса, жонимиз билан кутиб оламиз. Уйимизнинг тўри уларники Ёмоқ-ичмоқдан ҳеч камчилигимиз йўқ, ҳамма нарса олдимизда. Улар келса, ҳеч нарсага муҳтож қилмаймиз. Хат ёзинг, бизникига албатта келишсин, жонимиз билан кутиб оламиз. Бизлардан сингилларимга қизғин салом айтинг.

МУНДАРИЖА

Ватан ишки	3
Гурбатда ғариб	5
1. Икки тақдир	5
2. Етим бўта	12
Ватан меҳри	13
Фикру ёдим — Ватанда	17
Кўзга тўтиё	19
Ватандошлар билан мулоқот	21
Менинг қаъбам — Ватаним	26
Бизнинг ҳам Ватанимиз бор	36

На узбекском языке

ИЛЬЯС ФАЗЫЛОВ

НА ЧУЖБИНЕ

Редактор *А. Қосимов*
Рассом *М. Тохтаев*
Расмлар редактори *В. Немировский*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 2628

Босмахонага берилди 29. 03. 83. Босишга рухсат этилди 15. 12. 83. Р—03896. Формати 70×100¹/₁₆.
Офсет қоғози. Адабий ғарнитура. Офсет босма. Шартли босма л. 3,22. Шартли кр. отгиски 13,54.
Нашр л. 3,39. Тиражи 45000. Заказ № 846 Баҳоси 25 т.
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент
«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Офсет босмахонаси. Тошкент, Усмон
Юсупов кўчаси, 86.